

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
МЕНЕЖМЕНТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ факултети
МАҲСУЛОТ СИФАТИ МЕНЕЖМЕНТИ кафедраси

5524300 - “Маҳсулот сифати менежменти (кимё ва озиқ-овқат соҳалари бўйича)” таълим йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қишлоқ хўжалигига оид миллий стандартларини халқаро стандарт талаблари билан уйғунлаштириш.

Кафедра мудири:	Ахунжанов К.А
Тақризчи:	Ахмедов З
Битирув малакавий иши рахбари:	Исмоилов Б
ХФХ қисм маслахатчиси:	Пўлатов Х.А
Иқтисодий қисм маслахатчиси:	Бозоров С
Битирувчи:	Джуманазаров С

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТАНДАРТЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ТИЗИМИ.....	5
1.1. Стандартлаштириш давлат тизими тушунчаси.....	5
1.1.1. Миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш ва унинг моҳияти.....	11
1.2. Техник жихатдан тартибга солишда давлат тизими.....	14
1.2.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасида фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар.....	20
1.3. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги стандарташтириш идораси.....	24
II БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ БИЛАН УЙЎУНЛАШТИРИШ ТАРТИБИ.....	32
2.1. Халқаро, минтақавий, ҳудудий, давлатлараро ва хорижий стандартларни қабул қилиш усуллари.....	32
2.1.1. Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотлар.....	40
2.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашда халқаро стандартларни қўлланилиши.....	50
2.3. Қишлоқ хўжалигига оид стандартларни халқаро стандарт талаблари билан уйғунлаштириш.....	55
III БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА ТАШИШДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ ҚИСМИ.....	60
IV БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ОИД МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАРНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИ БИЛАН УЙЎУНЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАСИ.....	65
ХУЛОСА.....	68
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА РЕСУРСЛАР.....	69

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришган илк даврдан бошлаб юргизаётган сиёсати йўналишларидан бири бу озиқ-овқат бўйича мустақилликка эришишдир. Чунки ўз аҳолисини етарли озиқ-овқат билан таъминлаб бера олмайдиган ва асосан импорт қилинган маҳсулотлар ҳисобига яшайдиган мамлакатнинг тинчлиги, ҳаёти даражаси ва керак бўлса мустақиллиги ҳам ўша экспортер давлатга боғлиқ бўлади. Пахта экиладиган ерларни камайтириб, уларни аҳолига дехқончилик қилиш учун бўлиб берилиши бу соҳадаги ишларнинг бошланиши эди. Ўз пайтида қабул қилинган тўғра қарор ва ишлар натижасида орадан кўп вақт ўтмай мамлакатимиз нафақат бу соҳада мустақилликка эришди, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи мамлакатлардан бирига ҳам айланиб улгурди.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон дастурхонларига сифатли ва хавфсиз бўлган озиқ-овқатларни етаказиш, янги нав ва янги тур ўсимликларни иқлимлаштириш бугунги куннинг мавзусидир. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини янада юқорироқ босқичга чиқаришни ҳозирги замон бозори талаб қилмоқда. Шунинг учун бу соҳадаги стандартлар ўрнига юқорироқ талаблар белгиланган стандартларни қабул қилиш, халқаро стандартларга миллий стандартларни уйғунлаштириш долзарб муаммолардандир. Шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти дехқон ва фермерларга катта даромад келтиради. Буни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш ишларига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан шу йилнинг 5-6 май саналарида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзуидаги халқаро конференция мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати салоҳиятининг чинакам намоишига айланиши, шубҳасиз.

Бинобарин, ушбу нуфузли тадбирда иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми, инсоннинг ҳаёт даражаси ва турмуш фаровонлиги асоси бўлган айти шу соҳаларни ривожлантириш борасида тўпланган Ўзбекистон тажрибаси атрофлича ўрганилади. Бу эса халқаро миқёсда унга бўлган қизиқишни янада ошираётир. Анжуманда АҚШ, Хитой, Франция, Германия, Италия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Австрия, Ҳиндистон, Озарбайжон, Бельгия, Болгария, Венгрия, Индонезия, Латвия, Литва, Польша ва Словакия каби давлатлардан кўплаб олимлар, экспертлар, инвесторлар ҳамда халқаро

ташкilotлар раҳбар ва вакиллари иштирок этиш учун мамлакатимизга таширф буюргани ана шундан далолат беради.^[1]

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Содда қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортда қолмоқда.

Бу тафовут, аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароитлар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда чуқурлашиб бормоқда.

Ишдан асосий мақсад. Ҳозирда Республикамизда фойдаланилиб келинаётган стандартларни халқаро стандарт талаблари билан уйғунлаштириш усуллари, уларни қўллашни ўрганиш. Бу борада юзага келаётган муаммо ва камчиликларни ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича таклифларни билдириш. Собиқ мустабид давридан қолиб кетган “мерос”дан қутулиб, янги, илғор технологиялардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишларни юқори даражага олиб чиқиш, дунёнинг ривожланган мамлакатлари стандартларига мос, янги уйғунлаштирилган стандартлар бўйича ишлашни жорий этиш усулларини ўрганиш ва биз учун мос бўлганларидан самарали фойдаланиш йўлларини ўрганиш.

1.1. Стандартлаштириш давлат тизими тушунчаси

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш тўғрисида” (март 1992 й.) республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланган стандартлаштиришнинг ташкилий асослари “Стандартлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан қонунлаштирилган. Қонун 28 декабрь 1993 й. да қабул қилинган, 28 февраль 1994 й. умумий ахборот воситаларида чоп этилган ва шу кундан бошлаб кучга кирган^[9].

Ўзбекистон Давлат стандартлаштириш тизимини меъёрий ҳужжатларни режалаштириш, ишлаб чиқиш, келишиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини ўрнатади; меъёрий ҳужжатларни текшириш, бекор қилиш, қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартаришлар киритиш; маҳсулот ишлаб чиқаришни меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш, ташиш, сақлаш, харидга чиқариш, таъмирлаш, ишлатиш (истъемол қилиш), қайта фойдаланиш (утилизация); меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий даражасини экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш ишларини ўтказиш усуллари; халқаро, давлатлараро, ҳудудий, хорижий стандартларни қўлланиш усуллари ва ҳ.к. тартибини ўрнатади.

Асос бўлувчи стандартлар барчастандартлаштириш тармоқлараро тизими СТТ даги, масалан, Конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими (Ўз. КХЯТ), Технологик ҳужжатларнинг ягона тизими (Ўз.ТХЯТ), Маҳсулот сифати кўрсаткичлари тизими (ЎзМСКТ), Сертификатлаштириш миллий тизими (Ўз СМТ), Техник-иқтисодий, ижтимоий ахборотларни таснифлаш-кодлаш ягона тизими (Ўз.ТИИА ТКЯТ), ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими (Ўз ЎДТ), Маҳсулот яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизими (Ўз.МЯИЧҚТ), Аккредитлаш тизими (Ўз. АТ), Маҳсулотни

синаш тизими (Ўз.МСТ), Сифат тизими (Ўз.СТ) ва б. даги фаолиятларни тартибга солади.

Халқаро стандартлардан фойдаланиш мақсадларида давлат стандартлаштириш тизимини да Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) ва Халқаро электротехник комиссия (МЭК) нинг атроф муҳитни бошқариш тизимида, стандартлар каталогларини тақдим этиш тартибида ва халқаро ва ҳудудий стандартларни Ўзбекистон стандартлари сифатида қабул қилиш тартибида тўрт хил номли стандартлар қабул қилинган. “Стандартлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиришлар киритиш ва стандартлаштиришни янада ривожлантириш ва мукаммаллаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг стандартлаштириш масалалари бўйича қатор қарорлари (12 август 1994 й., №410, 5 январь 1998 й. №5, 3 октябрь 2002 й. №342, 5 август 2004 й. №373) қабул қилинганлиги муносабати билан асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларга кейинги йилларда 50 га яқин ўзгартиришлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат стандартлаштириш тизимини, ҳар қандай тизим каби, қуйидаги муҳим асосларга таянади:

- ташкилий асослар;
- ҳуқуқий асослар;
- таснифлаш;
- атамалар ва таърифлар;
- асосий қоидалар;
- назарий асослар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Стандартлаштириш Тизимини – О’зДСт ташкил этиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қуйидаги қарорларида белгилаб берилган:

- 1992 йил 2 марта “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ишларини ташкил қилиш тўғрисида”ги 93 – сонли қарори;

- 1994 йил 12 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 410 – сонли қарори;

- 2002 йил 3 октябрда “Маҳсулот ва хизматлари стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 342 – сонли қарори;

- 2004 йил 5 мартдаги “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон агентлигининг тузилмасини ривожлантириш ва фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 373 – сонли қарори.

Республикамизда стандартлаштириш жараёни 3 босқичдан иборат. Жумладан:

1. Атамаларни стандартлаштириш;
2. Ўлчовларни, ўлчаш ва синов ускуналарини ҳамда уларни конструкцияга ва маҳсулот технологиясига боғлаб стандартлаштириш;
3. Маҳсулотнинг ўзини стандартлаштириш^[8].

ИСО/МЭК томонидан яратилган консултатив кенгаш техника ривожланишининг йўналишларини белгилашда қуйидаги тавсияларни беради:

- стандартларни яратишда ва уларни қилишишда янги механизмларни яратиш;
- ҳаражатларни илк тадқиқотларга ва реал истиқболли бўлган техникавий ютуқларга сарфлаш;

- мавжуд техникавий қўмиталарнинг илмий-тадқиқот, тажрибавий конструкторлик ишларининг янги лойиҳаларини амалга оширишда экология соҳасидаги талабларни эътиборга олиш зарур;

- тажрибали мутахассислар бошчилигида ўтказиладиган семинарлар, илмий маърузалар шаклидаги иккиламчи механизмлардан кенг фойдаланиш;

- саноатнинг юқори раҳбарлари орасида янги ғояларни тарғибот қилишга эътибор қаратиш.

Шунинг учун стандартлаштиришда атамаларни бир хиллаштириш, улар асосида таърифлар яратиш ва ниҳоят бу соҳада стандартлар яратиш ҳозирги куннинг асосий талаблари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари қўйидагилардан иборат:

- маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг (кейинги ўринларда маҳсулотлар деб юритилади) аҳолининг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки, атроф-муҳит учун хавсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчиларнинг ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- маҳсулотларнинг ўзаро бир-бирининг ўрнини босишини ва бир-бирига монандлигини таъминлаш;

- фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек, аҳоли ва халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ маҳсулотларнинг сифати ҳамда рақобатбардашлилигини ошириш;

- ресурсларнинг барча турларини тежашга, ишлаб чиқаришнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга кўмаклашиш;

- ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга ошириш;

- табиий ва техноген ҳалокатлар ва бошқа фавқулотда вазиятлар юзага келиши, хавф-хатарни ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавсизлигини таъминлаш;

- истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатураси ва сифати тўғрисидаги тўлиқ ва ишонарли ахборат билан таъминлаш;

- мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёргарлигини таъминлаш;

- ўлчашларнинг ягоналигини таъминлаш;

- ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижро этувчи) маълум қилган маҳсулот сифати тўғрисидаги кўрсаткичларини тасдиқлаш.

Стандартлаштиришнинг асосий вазифалари:

- истеъмолчи ва давлатнинг манфаати йўлида маҳсулотларнинг сифати ва номларига нисбатан энг мақбул талабларни қўйиш;

- давлат, республика фуқоролари ва чет эл эҳтиёжи учун тайёрланган маҳсулотга керакли талабларни белгиловчи меъёрий ҳужжатлар тизимини ва уни ишлаб чиқиш қоидаларини яратиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш, шунингдек ҳужжатлардан назорат қилиш;

- стандарт талабларини саноати ривожланган чет мамлакатларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартлари талаблари билан уйғунлашувини таъминлаш;

- бир бирига мослилигининг барча (конструктив, электрик, электромагнитлик, информацион, дастурли ва бошқалар) турларини, шунингдек маҳсулотнинг ўзаро алмашинувчанлигини таъминлаш;

- параметрик ва турлар ўлчов қаторларини, таянч конструкцияларини, буюмларнинг конструктив жиҳатдан бир хил қилинган модуллашган блоки таркибий қисмларини аниқлаш ва қўллаш асосида бирхиллаштириш;

- маҳсулот, унинг таркибий қисмлари буюмлари хом ашё ва материаллар кўрсаткичлари ва тавсифларининг келишиб олиниши ва боғланиши;

- материал ва энергия сиғимини камайтириш, кам чиқинди чиқарувчи технологияларни қўллаш;

- маҳсулотнинг эргономик хоссаларига талабларнинг белгиланиши;

- метрологик меъёр, қоида, низом ва талабларнинг белгиланиши;

- стандартлаштириш бўйича халқаро тажрибадан фойдаланишни кенг авж олдириш, мамлакатнинг халқаро ва минтақавий стандартлаштиришда иштирок этишини кучайтириш;

- хорижий мамлакатларнинг талаблари Ўзбекистон Республикасининг халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондирган ҳолларда уларнинг халқаро, минтақавий ва миллий стандартларини ҳамда мамлакат стандартлари ва техникавий шартлари тариқасида тўғридан-тўғри қўллаш тажрибасини кенгайтириш;

- технологик жараёнларга талабларни белгилаш;

- маҳсулотни стандартлаштириш ва унинг натижаларидан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш юзасидан ишларни ташкил қилиш;

- техник иқтисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимини яратиш ва жорий қилиш;

- синовларни меъёрий-техника жиҳатидан таъминлаш, маҳсулот сифатини сертификатлаштириш, баҳолаш ва назорат қилиш.

1.1.1. Миллий стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш ва унинг моҳияти

Мамлакатимизнинг миллий стандартларини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқишнинг муҳим йўналишларидан бири бу миллий стандартларимизни халқаро стандартлар талаблари билан уйғунлаштиришдир. Халқаро стандартларни тўлиқ ёки қисман олиб фойдаланиш стандартларни уйғунлаштиришга олиб келади. Бу фаолият натижасида янги уйғунлашган стандартлар яратилади.

Стандартларни уйғунлаштириш – бу маҳсулот ёки хизматни ўзароалмашинувчанлигини, синов натижаларини ва бошқа маълумотларни ўзаро тушунарлилигини таъминлаш мақсадида бир стандартни бошқа стандартга мослаштиришдир.

Шунингдек уйғунлаштириш техник регламентларга ҳам қўлланилиши мумкин. Уйғунлаштирилган стандартлар кўринишида, изоҳларида, алоҳида махсус кўрсатмаларида ва шу кабиларда фарқ қилиши мумкин. Шунинг учун ИСО/МЭК нинг 2 қўлланмасида айнан ўхшаш (идентик стандартлар) ва унификацияланган стандартлар терминлари киритилган. Айнан ўхшаш (идентик стандартлар) – бу мазмуни ва кўриниши бир хил бўлган уйғунлаштирилган стандартлар. Кўп ҳолларда бу миллий стандартлаштириш тизимида қабул қилинган, халқаро ёки минтақавий стандартнинг тўғридан-тўғри таржимаси бўлади. Бу стандартлар фақатгина шифр ёки кодлари билан фарқ қилиши мумкин. Унификацияланган стандартлар – бу мазмуни бўйича бир хил, лекин даражасига кўра фарқ қиладиган стандартлардир. Қайси меъёрий ҳужжат учун уйғунлаштирилаётганига қараб уйғунлаштириш даражалари фарқланади. Халқаро даражада уйғунлаштирилган стандартлар – халқаро стандарт билан уйғунлаштирилган стандартлар. Минтақавий даражада уйғунлаштирилган стандартлар – минтақавий стандарт билан уйғунлаштирилган стандартлар^[8].

Кўпинча стандартларни уйғунлаштириш стандартлар иккитомонлама ёки кўп томонлама келишув асосида боради. Кўп томонлама келишув асосида уйғунлаштирилган стандартлар – бу уч ёки ундан ортиқ стандартлаштириш органи томонидан уйғунлаштирилган стандартлар. Иккитомонлама келишув асосида уйғунлаштирилган стандартлар – бу ёки стандартлаштириш органи томонидан уйғунлаштирилган стандартлар. Шунинг эътиборга олиш керакки уйғунлаштирилган стандартлар бир томонлама келишилган ва солиштириладиган стандартлар билан бир хил эмас. Бир томонлама келишилган стандарт – бу бошқа стандарт билан келишилганган шундай меъерий ҳужжатки, ундаги берилган маҳсулот, жараён, хизмат, синов ва маълумотлар келишилган стандарт талабларига жавоб бериши керак. Солиштириладиган стандартлар – бу айти бир маҳсулот, хизмат, жараён учун турли стандартлаштириш идоралари томонидан тасдиқланган меъерий ҳужжатдир. Улар бир хил усуллар ёрдамида баҳоланадиган, стандартлаштириш объектларининг бир хил хусусиятларига турли талабларини ўз ичига олади. Бу турли талабларни солиштириш имкониятини беради. Стандартларни уйғунлаштириш маҳсулот ёки хизматларни ўзаро манфаатли алмашинуви кенгайишида, сертификатлаштириш соҳасида келишувларга эришишда, илмий-техникавий муаммоларни ечимини топишда, маҳсулотлар сифатини ошириш ва таъминлашда, энергетик ресурслар ва моддий сарф харажатларни оптималлаштиришда, атроф муҳит ҳимоялаш ва меҳнат муҳофазасини оширишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Стандартларни уйғунлаштиришда жараён самарадорлигини оширишга таъсир этадиган қуйидаги муҳим омилларга эътиборли бўлиш тавсия этилади:

- уйғунлаштириш жараёнини халқаро иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик билан бевосита боғлиқлиги. Уларни стандартлаштириш идоралари фаолиятини режалаштириш албатта инобатга олиш зарур;

- уйғунлаштириш учун норматив ҳужжатни тўғри танлаш жуда муҳим;

БМТ Евроосиё Иқтисодий Қўмитаси бу борада қуйидаги кўрсаткичлар бўйича уларни саралашни таклиф этади:

- стандартлаштириш объектининг ўзароалмашинувчанлик даражаси ва техник жиҳатдан мослиги таъминланганлиги, уни ҳамкорликнинг иқтисодий ва техникавий самарадорлигига таъсири даражасига кўра;
- синов натижаларини ўзаро тан олиш ва махсулот сифатини назорат этишда стандартнинг аҳамияти;
- стандартларни бошқа норматив ҳужжатларна таъсири даражасига кўра;
- стандартнинг техник барьер пайдо қилиш имкониятига кўра.

Уйғунлаштирилган стандартлар – бу бир ва айна шу объектга тегишли бўлган ва стандартлаштириш билан шуғулланувчи турли идоралар томонидан тасдиқланган стандартлар бўлиб, улар махсулотлар, жараёнлар ва хизматларнинг ўзаро алмашувини, ушбу стандартларга мувофиқ тақдим этиладиган ахборот ёки синовлар натижаларининг ўзаро тушунилишини таъминлайди.

Халқаро ва давлатлараро стандартлар, агар уларга Ўзбекистон аъзо бўлса, ва бошқа мамлакатларнинг миллий стандартлари, агар улар билан шундай келишув бўлса, мамлакатимиз ҳудудида миллий стандарт каби қўлланилади^[8].

Халқаро стандартларни мамлакат ҳудудида қўллаш қуйидаги кўринишдаги миллий стандартларни тасдиқлаш билан боради:

- бошқа тилдаги халқаро стандарт билан бир хил бўлган давлат тилидаги стандарт (идентик стандарт);
- халқаро стандартга ҳудуднинг ўзига хослиги, иқтисоди, иқлим шароити ҳисобга олинган ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган стандарт (модификацияланган стандарт).

1.2. Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизими

Техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимини қуйидагилар ташкил этади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
- Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари;
- Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;
- Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколатлари доирасида фаолиятни амалга оширувчи давлат ва хўжалик бошқаруви органлари.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органлар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди;
- техник жиҳатдан тартибга солиш давлат тизимига кирувчи органларнинг фаолият кўрсатишини таъминлайди;
- техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлайди;
- умумий техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қонун ва меъёрий - ҳукукий асослар

Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Қонуни 23.04.2009 й. ЎРҚ-213-сон.

"Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2010 й. 86-сон Қарори

"Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялар тўғрисида низом" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2010 й. 86-сон қарорига 1-илова

"Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари тўғрисида низом" Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 7 январда 2060-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 11 декабрдаги 534-сонли буйруғига илова

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги:

- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан киритилган техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурларининг лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига умумлаштирилган таклифлар киритади;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг умумий ва махсус техник регламентларни ишлаб чиқишга доир фаолиятини ўз ваколати доирасида мувофиқлаштиради ҳамда ташкил этади;

- умумий техник регламентларни тасдиқлаш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиясини тузади;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни ўз ваколати доирасида экспертизадан ўтказди;
- ўз ваколати доирасида: хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;
- умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан ўз ваколати доирасида давлат назоратини амалга оширади;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида ўз ваколати доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин^[10].

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматларнинг хавфсизлигига доир, уларда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун зарарли бўлган моддалар, касаллик туғдирувчи организмларнинг мавжудлиги, касаллик ташувчиларнинг кириб келиши ёки тарқалишининг олдини олиш, тиббиёт учун мўлжалланган буюмлар, тиббий техника ва дори воситаларини ишлаб

чиқариш ҳамда қўллаш бўйича мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасишаҳарсозлик фаолиятида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси табиий ресурслардан фойдаланишда ҳамда атроф-муҳитни ифлосланиш ва бошқа зарarli таъсирлардан муҳофаза қилишда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги, маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларга тааллуқли ишларнинг бажарилишини ташкил этади ва таъминлайди^[5].

Ушбу техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ўз ваколати доирасида:

- техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари ва умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;
- умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади ҳамда уларни экспертизадан ўтказади;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларини тузади;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни экспертизадан ўтказади;

- умумий техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;
- махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади;
- умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиради;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

- техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига таклифлар киритади;
- умумий ва махсус техник регламентлар ишлаб чиқилишини амалга оширади;
- умумий ва махсус техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларини тузади;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар давлат фондини шакллантиришда иштирок этади;

- умумий ва махсус техник регламентларга риоя этилиши устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назоратни амалга оширади.
- Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.
- Давлат бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида махсус техник регламентларни тасдиқлайди, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари ва эксперт кенгашлари

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялари ишлаб чиқилган умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор қилиш бўйича таклифлар ҳамда улар юзасидан хулосалар тайёрлаш учун техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссияларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

"Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт комиссиялар тўғрисида низом" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2010 й. 86-сон қарорига 1-илова

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари умумий ва махсус техник регламентларни, техник регламентларга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур регламентларни бекор

килиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳузурида тузилади.

Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашларининг фаолияти Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

"Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги эксперт кенгашлари тўғрисида низом" Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 7 январда 2060-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 11 декабрдаги 534-сонли буйруғига илова

1.2.1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш борасида фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-Овқат ва Қишлоқ Хўжалик Ташкилоти (ФАО) – бмт ҳузуридаги халқаро ташкилот. бу ташкилотга 1945 йил 16 октябрда Квебекдаги конференцияда асос солинган. Асосий вазифаси: озиқ-овқат ресурсларини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ёрдам бериш. Шиори: “очарчилик бўлмаган дунёни куришда қўмаклашамиз”.

ФАО фаолияти қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқатлар сифатини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини, барчага ва ҳар доим соғлом ва фаол ҳаёт кечириш учун етарли бўлган озиқ-овқат билан таъминлаш орқали очарчилик ва йўқчилик муаммоларини камайтиришга қаратилган. ФАО бетараф форум сифатида, шунингдек шу соҳадаги маълумот ва

билимлар ресурси сифатида фаолият юритади. Ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги, ўрмон хўжалиги ва балиқ хўжаликларини янгилаш, мукаммаллаштиришда ёрдам беради.

ФАО фаолияти йўналишлари: ФАОнинг махсус дастурлари мамлакатларга озиқ-овқат билан юзага келиши мумкин бўлган танг ҳолатларга тайёрланишда кўмаклашишни, зарур бўлганда ёрдам беришни ҳам инобатга олади. Ўртача ФАО жойларда бир вақтда 1800 тача тадбирлар ўтказилади. ФАО уюштираётган проектлар қишлоқ хўжалиги ривожига ташкилотлар ва мамлакатлар томонидан 2 млрд доллардан зиёд хайрия пулларини жалб қилади. ФАО қишлоқ хўжалиги бўйича статистикани ва ўзининг маълумотлар базасига кириш имкониятини тақдим этади.

ФАО Уставидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳар бир давлат унинг аъзоси бўлиши мумкин. Ўзини-ўзи бошқара олмайдиган ҳудудлар эса ҳамкор аъзо сифатида қабул қилинади. Олий раҳбар органи – унга аъзо бўлган давлатлар вакиллариининг бош конференцияси; одатда икки йилда бир марта чақирилади. Конференциялар ўртасидаги даврда ташкилот фаолиятини Бош кенгаш назорат қилади. ФАО органларининг қарорларини амалга ошириш учун доимий секретариат тузилган. Унга конференцияда сайланадиган Бош директор раҳбарлик қилади. Штаб квартираси Римда (Италия).

Фаолиятининг устувор йўналишлари: ФАО ўз фаолиятининг 2014-2015 йиллардаги очарчаликка қарши икки йиллик даврга мўлжалланган устувор йўналишларини белгилаб қўйди:

- очарчилик, озиқ-овқат хавфсизлигининг мавжуд эмаслиги ва етарли даражада таомлана олмасликка қарши курашда хайрихоҳлик қилиш: дунё аҳолисини очарчиликдан қутқариш йўлида, озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг сиёсий ва стратегик усуллариини тарғиб этиш, очарчилик ва таомланишдаги муаммолар ва уларни ҳал этиш борасидаги режалар ҳақидаги сўнгги маълумотлар билан танишиш имконини бериш йўли орқали ёрдам кўрсатиш.

- қишлоқ хўжалигининг серхосиллиги ва бардошлилигини ошириш: табиий ресурслар қиймати бузилмаслиги инобатга олинган ҳолда, серхосил

қишлоқ хўжалиги тизимларини ўзини самарадорлигини исботлаган стратегиялар ва амаллар турлари орқали ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш.

- қишлоқ аҳолисининг камбағаллигининг камайтириш: қишлоқ аҳолисини ижтимоий химоялаш ва уларни бандлигини таъминловчи тизимни яратиш, уларга ресурслар ва бошқа хизматлардан фойдалана олиш имконини бериш йўли билан уларни ушбу ҳолатдан чиқара оладиган йўлни топишга кўмаклашиш.

- кенг қамровли ва самарали қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тизимларини таъминлаш: қишлоқ жойлардаги камбағаллик ва очарчиликни камайишига сабабчи бўладиган кичик дехқончилик ва фермерлик хўжаликларига ёрдам берадиган хавфсиз ва самарали озиқ-овқат тизимларини яратишга қаратилган ишларга кўмаклашиш.

- ҳалокатлар бўлганда ундан чиқиб кета олиш имкониятини ошириш: мамлакатларнинг табиий ва техноген ҳалокатларга тайёрлигини, уларнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги тизимларини бардошлилигини ошириш йўли билан таъминлашга кўмаклашиш.

GLOBALGAP (EUREPGAP)– бу бутун жаҳон бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларига стандартлар, сертификатлаштиришга талабларни ўрнатувчи хусусий идора.

GLOBALGAP умумлаштирилган фермер кафолати стандарти бўлиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқувчилар учун бирламчи стандарт сертификатлаштиришда, экиш давридан ёки чорвачиликда етиштириш давридан то сўйишгача бўлган ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини ўз ичига олади^[6].

GLOBALGAPнинг сертификатлаштириш мақсади ишлаб чиқаришнинг барча занжирини назорати қисмларини шакллантиришдир.

GLOBALGAP:

- озиқ овқат хавфсизлиги / НАССРга асосланади;
- табиатни муҳофаза қилиш / ИМЗ;
- ижтимоий стандартлар / ишчиларнинг турмуш даражаси;

- хайвонот оламихолати.

Мақсади:

- ✓ Самарадорликни солиштиришни ўзаро таъсири орқали амалиётни яхшилашни амалга оширишни эътироф этиш;
- ✓ Пухталикини ташкил қилиш “Фермер кафолати” номувофикликлар учун сифатли жараёнларни кучайтириш ва аудиторлик лаёқатлилики кафолати ва техникавий мезонларини уйғунлаштирган ҳолда талқин қилиш;
- ✓ Фермерликни кафолатлайдиган фойдаланиш жараёнида катнашмайдиган ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш.

ISO 22000 (HACCP - Hazard Analysis and Critical Control Points) – Озиқ-Овқат Маҳсулотлари Хавфсизлиги Стандарти.

НАССР — бу озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашда ва саноатда хавфсизлигини таъминлаш ва уни ташкил этиш тизимидир. У таржима қилинганда “Критик нуқталар назорати ва рисклар анализи” деган маънони англатади. У ўз ичига хомашё ва қадоклаш идишларидан тортиб то истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларни олади. НАССР махсус озиқ-овқат саноати учун ишлаб чиқилган ва у биринчи марта 1960 йилларда АҚШда астронавтлар озиқ-овқатларини тайёрлашда қўлланилган. Хомашё ва тайёр маҳсулотларни даврий равишда текшириб турадиган бошқа сифат назорати тизимларидан фарқли, НАССР ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида доимий назорат олиб боради.

ИСО 22000 стандарти яратилишига бир неча омиллар сабаб бўлди:

- озиқ-овқатлар сифати яхши эмаслиги сабабли касалликларнинг ортиб кетиши;

- Одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавфнинг ортиши;
- Касалликларни даволаш учун харажатларни ортиши;
- Сифатсиз маҳсулот тайёрлаганликлари учун ишлаб чиқарувчилар томонидан уни истемол қилган одамларга зарарланганликлари натижасида компенсация пуллари тўланиши кўпайиб кетиши;
- Ишчи ходимлар сифатсиз озиқ-овқатларни истемол қилиши натижасида касалланиб, ишга чиқа олмасликлари ва уларга даъволаниши учун бериладиган пулларнинг ортиб кетиши. Буни натижасида ишхоналарнинг молиявий зарарлари кўпайиб кетиши.

Бу стандарт ИСОнинг озиқ-овқат бўйича мутахассислари ва шу соҳада фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган. ИСО 22000 нинг тўлиқ номи “Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги тизими менеджменти. Озиқ-овқат занжирида иштирок этаётган ташкилотларга талаблар”.

1.3. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги стандарташтириш идораси

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 2008 йилгача амалда стандартлаштириш бўйича аниқ бир тизим мавжуд бўлмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 1 декабрдаги №06/37-39-сонли “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш соҳасида ишларни такомиллаштириш тадбирлари” тўғрисидаги топшириғига асосан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2008 йил 21 апрелида 62-сонли “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида “Qishloq va suv xo'jaligida standartlashtirish markazi” Давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги буйруғига

мувофиқ Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази 2008 йилнинг 1 майидан фаолият юрита бошлади^[3].

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида амалда бевосита стандартлаштириш ва сертификатлаштириш билан шуғулланадиган ташкилотларни 4 гуруҳга бўлишимиз мумкин.

1. Сертификатлаштириш ваколатига эга ташкилотлар.
2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар.
3. Илмий тадқиқот институтлари.
4. Техник қўмиталар.

Давлат ветеринария Бош бошқармаси, Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, “Ўздавуруғназоратмарказ”лари сертификатлаштириш ваколатига эга бўлиб, уларнинг таркибидаги лабораториялар сертификатлаштириш бўйича синовларини ўтказди ва ушбу синов натижалари асосида мувофиқлик сертификатлари расмийлаштирилади.

Маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар (асосан сув хўжалиги тизимидаги завод ва корхоналар)да стандартлаштириш бўйича алоҳида бўлимлар ва мутахассислар мавжуд бўлиб, истеъмолчи ва бозор талабларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш мақсадида доимий стандартлаштириш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Илмий тадқиқот институтлари (Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази тизимида) доимий равишда илмий изланишлар олиб борилиши ва лабораторияларда илмий синовлар ташкил этилиши, янги экин навлари яратилиши натижасида стандартлаштириш соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади ҳамда стандартлаштириш бўйича илмий лойиҳалар устида ишлар олиб борилади.

Техник кўмиталар республика идоралараро ва тармоқдаги ички ташкилотлар ходимларидан ташкил топган. Республика идоралараро техник кўмиталарга аъзо вазирлик ёки идораларнинг фаолиятига тегишли бўлган маҳсулотларга меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш ва мавжудларига илмий асосланган қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш билан шуғулланади.

Россия Федерацияси, Белорусия ва Қозоғистон Республикалари агросаноат мажмуида стандартлаштириш бўйича фаолиятни ушбу тармоқ Кенгашлари амалга оширади ва стандартлаштиришнинг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидаги каби алоҳида марказ ёки бошқа турдаги давлат корхонаси мавжуд эмас. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида юридик мақомдаги Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази ташкил этилган бўлсада лекин, унинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича такомиллашган тизим яратилмаган.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш тизимини такомиллаштириш таҳлил қилинган давлатларга нисбатан келажакда қуйидагича устунликларни таъминлайди:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил этиш ва истиқболли режаларни амалга ошириш ҳамда стандартлаштириш бўйича бошқарувни ташкил этиш учун қулай механизмни яратади;

2. Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш доирасидаги меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш учун марказлашган тизим ташкил этилади;

3. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳалқаро стандартларни жорий қилиш бўйича ички фаолият йўлга қўйилади;

4. Вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда стандартлаштириш ишларини ривожлантириш доирасидаги тадқиқот ишлари олиб бориш учун шароит яратади;

Юқоридагиларга асосланиб, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мавжуд стандартлаштириш тизимини қуйидагича тасвирга эга бўлади дейишимиз мумкин.


Юқоридагилардан ташқари қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази фаолиятининг самарали ташкил этилиши республикамиз агросаноат мажмуида етиштирилаётган маҳсулотларнинг сифати, хавфсизлиги ва рақобатбардошлигини оширишга, ишлаб чиқилаётган меъёрий ҳужжатларнинг ҳалқаро стандартларга уйғунлаштирилишини, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида бошқарувнинг ҳалқаро талаб даражасида ташкил этилишини таъминлайди^[12].

Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштиришни ривожлантириш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида давлатлараро стандартларни ишлаб чиқиш:

1. МДХ қишлоқ ва сув хўжалиги бўйича Кенгаш ва стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаш таркибида техник регламентларни қабул қилишга тайёргарлик кўрувчи ва давом эттирувчи ишчи гуруҳ тузилади.

2. Давлатлараро стандартлар асосий меъёрий ҳужжат бўлиб, МДХ давлатларида қишлоқ ва сув хўжалиги доирасида техник талаблар ва қоидаларнинг ягоналигини сақлашни таъминлаш.



Ахборот киритувчилар;

Ахборот қабул қилувчилар;

Ташкилий боғланган;

Фаолияти бўйича ўзаро боғланган.

(Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштириш тизимиструктураси)

“Ўзстандарт агентлиги ва Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш марказининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги келишув”ни ишлаб чиқиш ва унга мувофиқ:

1. Қишлоқ ва сув хўжалигида техник жиҳатдан тартига солишни ривожланиш йўналишларини стратегик жиҳатдан амалга ошириш давомида Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази” ДУКга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

2. Қишлоқ ва сув хўжалиги доирасида стандартлаштириш бўйича техник қўмита тузиш;

3. ЕврАзЭС техник регламентларининг асосли базасини таъминлаш.

4. Халқаро ва давлатларо стандартлаштириш бўйича иш дастурларини шакллантириш.

Қишлоқ ва сув хўжалиги доирасида давлатлараро стандартлаштириш бўйича “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятининг муҳим йўналишлари

- ЕврАзЭС қатнашчи давлатлари техник-иқтисодий ҳамкорлик асосида инновацион йўналишларни ривожлантириш учун меъёрий базани яратиш;
- ЕврАзЭС техник регламентлари талабларини бажариш учун асосли базани яратиш мақсадида давлатлараро стандартларни кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш;
- Давлатлараро стандартларни халқаро стандартлар, меъёр ва қоидалар билан уйғунлаштириш;
- ЕврАзЭС доирасида давлатлараро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш дастурларини бажарилишини меъёрий таъминлаш;
- Стандартлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология соҳаларида хизмат кўрсатиш бўйича ЕврАзЭСда эксперт ва ишчи гуруҳларни тузиш.

“Ўзстандарт” агентлиги билан “Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази” ДУКнинг ўзаро ҳамкорлик натижасида қуйидагилар амалга оширилди:

- “Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш маркази” ДУК техник ҳужжатлар ва стандартлаштириш тизимини ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.
- Қишлоқ ва сув хўжалиги стандартлаштириш бўйича техник қўмита тузилди.
- Техник ҳужжатлар ва стандартлар экспертизадан ўтказилди.

- Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш тизимни бўйича корхона стандартлари ишлаб чиқилмоқда.
- Қишлоқ ва сув хўжалиги тегишли аниқ маҳсулот ёки хизмат турларига тегишли техник регламентларни ишлаб чиқиш режалаштирилди.

Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш техник қўмитанинг олдида қўйилган вазифалар

- Қишлоқ ва сув хўжалигида стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш доирасидаги умумий ташкилотлар ва ИТИ ҳамда ишлаб чиқариш ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш.
- Миллий стандартлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишни ташкиллаштириш;
- Қишлоқ ва сув хўжалиги доирасидаги қабул қилинган техник регламентларни қўлланилиши ва бажарилиши учун қоидалар тўплами ва стандартлар рўйхатини ишлаб чиқиш;
- миллий стандартларни ишлаб чиқиш дастурларини шакллантиришда қатнашиш.

Техник жиҳатдан тартибга солишни ривожлантириш бўйича вазифалари

- техник жиҳатдан тартибга солувчи турли қонунчилик шартлари асосида давлат-иштирокчилари томонидан техник регламентлар ишлаб чиқиш;
- техник регламентларни ишлаб чиқиш миллий дастурлари ЕврАзЭС, МДХ дастурларига мослаштириш;
- Давлатлараро стандартлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- Техник регламентлар базалари далили сифатида давлатлараро стандартлар рўйхатини ишлаб чиқиш;
- Стандартлаштириш бўйича миллий идора томонидан қабул қилинган давлатлараро стандартлари фондини таҳлил қилиш;
- Техник регламентлар базалари далили сифатида давлатлараро стандартларини ишлаб чиқиш;
- Техник регламентларни жорий қилиш учун услубий базасини ишлаб чиқиш;
- Техник жиҳатдан тартибга солиш дориасидаги маълумотлар тизимини яратиш.

Ўзбекистон Республикасида техник қўмиталар (ТҚ) мутахассислари-давлатва хўжалик бошқарув манфаатдор идоралари ва тадбиркорлик субъектларининг ваколатли вакиллари, истеъмолчилар, касаба уюшмаси ташкилотлари, давлат назорати идоралари ва бошқаларнинг шаклланиши

бўлиб ҳисобланади. ТҚ юқори илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар базасида таъсис этувчилар ва “Ўзстандарт” агентлиги (Давархитектқурилиш, Давтабиатқум, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги) кушма буйруғи билан тузилади.

Техник қўмитанинг асосий вазифаси - халқаро, давлатлараро, минтақавий, давлат ва тармоқ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги фаолият - О'zDSt 1.0, РМГ 01 бўйича, шартномали ишлар. О'z RH 51-013:1993 Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларнинг ташкил этилишини, мувофиқлаштирилишини ва ишларнинг мақбул даражада олиб борилишини стандартлаштириш бўйича Техник қўмиталар бевосита иштирок этишади. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб бораётган техник қўмиталар 1-жадвалда келтирилган.

**Ўзбекистон Республикаси стандартлаштириш бўйича
техник қўмиталари(1-жадвал).**

№	Номланиши	Вазирлик ва маҳкамаларнинг номланиши
1.	“Ўзбекнефтигазмахсулот”	“Ўзбекнефтигаз” Миллий холдинг компанияси.
2.	“Пахта”Ассоциацияси	“Ўзпахтасаноат”Ассоциацияси
3.	“Дон маҳсулотлари”	“Ўздонмахсулот” Компанияси
4.	“Ёғмойтамакисаноат”	“Ёғмойтамакисаноат” Ассоциацияси
5.	“Ипакчилик маҳсулотлари”	“Ўзбек ипаги” Ассоциацияси
6.	“Озиқовқатсаноат”	“Озиқ-овқатсаноат” Ассоциацияси
7.	“Ўзмеvasабзавотузумсаноат”	“Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг” Компанияси
8.	“Алоқа ва информатика”	Ўзбекистон алоқа ва маълумотлаштириш агентлиги
9.	“Навуруғназорат”	Республика қишлоқ хўжалик экинлари бирламчи уруғчилик ва уруғшунослик станцияси
10.	“Ўзавтосаноат”	“Ўзавтосаноат” Ассоциацияси
11.	“Гўшт ва сут”	“Ўзгўштсутсаноат” Ассоциацияси
12.	“Давархитектқурилиш”	Давлат архитектура ва қурилиши бўйича қўмитаси
13.	“Ўзбектелеком”	“Ўзбектелеком” Акционерлик компанияси
14.	“Кимёсаноат”	“Ўзкимёсаноат” Давлат акционерлик компанияси
15.	“Ўзбекенгилсаноат”	“Ўзбекенгилсаноат” Акционерлик компанияси
16.	“Ўзбекчармпойабзали”	“Ўзбекчармпойабзали” Ассоциацияси
17.	“Шойи”	“Ўзбек ипаги” Ассоциацияси

2.1. Халқаро, минтақавий, ҳудудий, давлатлараро ва хорижий стандартларни қабул қилиш усуллари

Мамлакатимизнинг меъёрий ҳужжатларини халқаро, ҳудудий, бошқа давлатларнинг миллий меъёрий ҳужжатлари (кейинчалик – ХС) билан уйғунлаштиришнинг энг самарали усули уларни миллий стандартлар сифатида қўлланишдан иборат. ХС ни қўлланиш – жаҳон бозорига чиқишнинг, ҳар бир тадбиркор субъектнинг, бинобирин, бутун мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг энг муҳим йўлларида бири бўлади.

Аммо, ХС ни олиб, уни миллий меъёрий ҳужжат сифатида қўллана бошлаш мумкин эмас. Бунинг учун қатор шартлар ва ўзига хос процедуралар бор^[8].

ХС ни қўлланиш ва қабул қилишнинг умумий қоидаларига қуйидагилар киради.

ХС мамлакатнинг стандартлаштириш бўйича халқаро ва ҳудудийташкилотларида аъзо бўлиши, шунингдек маҳсулотни ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб бериш бўйича ҳамкорлик ва шартномалар тўғрисида халқаро келишувлар (шартномалар) асосида қўлланилади;

ХС, агар унинг талаблари иқтисодиёт эҳтиёжларини қондира олса ва қонунларга зид келмаса, Ўзбекистонда қабул қилинади (амалга киритилади) ХС дан илмий-тадқиқот ва экспериментал ишларда фойдаланиш рухсат этилади.

Халқаро (ҳудудий) стандартлар халқаро стандартлаштириш амалиётида кенг қўлланилади. Бундай стандартларда кўпчилик мамлакатлар учун хос умумий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган дунё илмий-техникавий ютуқлари ва илғор ишлаб чиқариш тажрибаси умумлаштирилади. Бунга кўра халқаро стандартлар савдодаги техник тўсиқларни муваффақиятли бартараф этишни таъминлайди, бу Жаҳон савдо ташкилотининг савдодаги техник тўсиқлар бўйича Битим томонидан тан олинган.

Халқаро стандартларнинг миллий стандартлар сифатида кенг қўламда қўлланиш стандартлаштиришнинг афзалликларини тўлиқ амалга оширишга имкон беради, бу эса Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим шарт ҳисобланади.

Бу билан бирга, халқаро стандартларни кенг миқёсда қўлланиш қатор сабабларга кўра жуда қийин масала бўлади. Бундай сабаблар миллий хавфсизлик талаблари, аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мулки, атроф муҳит хавфсизлигидан иборат, иқлим, жўғрофий ёки технологик муаммолар биланбоғлиқ бўлиши мумкин. Ҳатто, бундай сабабларга кўра ҳам, стандартталабларининг халқаро стандарт талабларидан фарқини қисқартиришга доим интилиш зарур.

Давлатлараро стандартлар (ГОСТ) Ўзбекистоннинг миллий бойлиги ҳисобланади ва Ўзстандарт Агентлиги, Давархитектурақурилишнинг (буйруғи) билан, ҳеч қандай қайта расмийлаштирилмасдан, амалга киритилади.

Хорижий фирмалар (корхоналар) нинг меъёрий ҳужжатлари бўйича ва мустақил равишда етказиб бериш (харидга чиқариш) учун мўлжалланган маҳсулот чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ни мўлжаллаган тадбиркорлик субъектлари стандартлаштириш объектига қараб миллий меъёрий ҳужжат (давлат стандарти, тармоқ стандарти, техник шартлар, маъмурий-ҳудудий стандарт, корхона стандарти) ни ишлаб чиқади. Бу стандартлар Ўзстандарт Агентлиги идораларида тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Хорижий фирманинг меъёрий ҳужжатлари асосида маҳсулот чиқариш учун корхонада фойдаланиладиган деталлар, йиғма бирликлар, технологик мослама ва асбоб, технологик меъёрлар ва талаблар, технологик жараёнларга корхона стандартлари ишлаб чиқилади.

Фақат экспортга чиқариш учун мўлжалланган маҳсулотни, агар маҳсулотни етказиб беришга тузилган шартнома (контракт) да эслатиб ўтилган бўлса, бошқа давлатларнинг меъёрий ҳужжатларига мувофиқ тайёрлаш рухсат этилади. Бундай ҳолда хорижий фирмаларнинг меъёрий ҳужжатларини қайта расмийлаштирмаслик (бевосита қўлланиш) рухсат этилади. Бунда маҳсулотни тайёрлаш жараёнида, сақлашда, республика ҳудудида ташишда Ўзбекистон Республикаси меъёрий ҳужжатларининг мажбурий талаблари бажарилиши лозим. Хорижий меъёрий ҳужжатлар бўйича маҳсулот тайёрлайдиган корхоналар бу ҳужжатларни Ўздавстандартда ёки унинг ҳудудий идораларида, давлат ва зарур бўлганда, рус тилларига таржима қилинганидан кейин рўйхатдан ўтказиши лозим.

1998-йилда O'z DSt 1.7:1998 “Ўз СДТ. Халқаро, ҳудудий, давлатлараро, бошқа давлатларнинг миллий стандартлари ва меъёрий ҳужжатларини

қўлланиш тартиби” Ўзбекистон давлат стандарти қабул қилинган. Стандарт ИСО/МЭК 21:1981 “Халқаро стандартларни миллий стандартлар сифатида қабул қилиш” халқаро қўлланма асосида ишлаб чиқилган.

1999-йилда ИСО/МЭК 21:1999(ISO/IEC GUIDE 21:1999) қўлланма қабул қилинган. Бу қўлланма учта: ИСО/МЭК 3:1981 “Халқаро стандартларга эквивалент миллий стандартларни идентификациялаш”, ИСО/МЭК 21:1981 “Халқаро стандартларни миллий стандартларда қабул қилиш” ва ИСО/МЭК 21:1981/ Қўшимча 1:1983 “Миллий ва халқаро стандартлар ўртасида эквивалентлик даражаси кўрсаткичи” қўлланмаларининг ўрнига чиқарилган.

ИСО/МЭК 21:1999 1 сентябрь 2001 йилдан бошлаб, Ўзбекистон давлат стандарти сифатида, O’z DSt ISO/IEC 21:2001 белги билан ва номини жоиз ўзгартирган ҳолда “Ўз. СДТ, Халқаро ва ҳудудий стандартлар (ISO/IEC 21:1999, IDT) ни Ўзбекистон давлат стандартлари сифатида қабул қилиш” амалга киритилди^[2].

Миллий стандартлар (МС) халқаро ва ҳудудий стандартларга мувофиқлигини уч хил даражада таснифлаш қабул қилинган: айнан ўхшаш стандарт (IDT), модификацияланган стандарт (MOD), ноэквивалент стандарт (NEQ). Дастлабки иккита: айнан ўхшаш ва модификацияланган мувофиқлик даражалари ХС нинг қабул қилинганлигини англатади, учинчи, ноэквивалент даража эса, ХС нинг қабул қилинмаганлигини ифодалайди.

Иккита шарт бор. Бу шартлар бажарилганда МС халқаро стандарт ХС га айнан ўхшаш деб ҳисобланади:

- а) МС халқаро стандартга тўлиқ мувофиқ келади;
- б) МС да ўн тага яқин бир оз таҳририй ўзгаришлар бор.

Қуйидаги шартларга риоя қилинганда МС халқаро стандарт (ХС)га нисбатан модификацияланган стандарт сифатида таснифланиши мумкин:

- Техник оғишларни аниқ идентификациялаш ва тушунтириш шarti билан бундай оғишлар рухсат этилади;
- МС халқаро стандарт (ХС)нинг тузилмасини акс эттиради. Агар МС ва ХС ларнинг мазмунини ва тузилмасини оддий қиёслаш имконияти сақланган бўлса, стандартнинг тузилмасида ўзгаришлар рухсат этилади.

Модификацияланган стандартлар ХС данҳажмининг кичиклиги билан фарқланиши мумкин. Бундай кичиклик ХС да таъриф этилган

альтернативларнинг фақт бир қисмини қўлланиш, унчалик қаттиқ бўлмаган талабларни ўрнатиш ҳисобига бўлади. Ёки, аксинча, қўшимча жиҳатларни ва турларни киритиш, янада қаттиқроқ талаблар, қўшимча синовлар ваҳ.к. ни ўрнатиш ҳисобига катта ҳажми билан фарқланиши мумкин. МС да халқаро стандарт (ХС)нинг бир қисмини ўзгартириш, альтернатив танлашни кўзда тутиш рухсат этилади.

МС ХС га икки ҳолатда ноэквивалент деб ҳисобланади:

- мазмуни ва тузилмасидаги ўзгартиришлар аниқ айнан ўхшатувликка эга эмас;
- агар унга халқаро низомларнинг кам қисми (4.4 модда) киритилган бўлса.

О'z DSt ISO/IEC 21:2001 да ХС ни қабул қилишнинг учта усули ўрнатилган: маъқуллаш усули, муқова усули, қайта нашр этиш усули.

Маъқуллаш усули ХС ни қабул қилишнинг энг оддий методларидан бири ҳисобланади ва ХС матнини қайта босмадан чиқариш талаб этилмайди. Маъқуллаш усули фақат айнан ўхшаш стандартлар учун қўлланилади.

Муқова усули ХС ни миллий муқова усулида нашр этишни назарда тутлади. Миллий муқовада миллий маълумотномадаги тартиб рақами кўрсатилади ва айнан ўхшаш ёки модификатланган мувофиқлик даражасида ХС миллий стандартлар бўлиб қолади.

Айнан ўхшаш МС нинг эквивалент муқовасида ёпишқоқ этикеткалар, штамплар ёки бошқа воситалар қўлланилиши мумкин.

Қайта нашр этиш усули уч хил бўлади: қайта ёзиш, таржима қилиш, қайта ишлаб чиқиш.

Қайта ёзишда ХС суратга олиш, сканерлаш ёки электрон файлдан олиш воситасида МС сифатида қайта тикланади.

ИСО нинг расмий тилларидан бирида чоп қилинган ХС давлат тилига таржима қилинади. ХС рус тилида чоп этилмаган бўлса, зарур бўлганда, рус тилига ҳам таржима қилиниши мумкин.

ХС ни қайта ишлашда техникавий оғишларни аниқ ўхшатишда қийинчилик пайдо бўлади. Техник оғишлар тузилманинг ўзгаришларида ёки ифодаланишида яширинган бўлади ва мувофиқлик даражасини аниқлашни қийинлаштиради.

Унчалик кўп бўлмаган ўзгаришларни МС га “Киришда” ёки “Сўз бошида” жойлаштириш рухсат этилади. Ўзгартиришлар ХС матнига киритиладиган бўлса, уларни аниқ ажратиб кўрсатиш керак, масалан, ўзгартиришлар қайси моддага тегишли бўлса, шу моддадан кейин бевосита квадратча ичига олинади ёки мос матн қаршисидаги очик жойда бир вертикал чизиқ чизиб белгиланади.

ХС асосида қабул қилинган МС нинг белгиси қуйидаги аббревиатураларни ўз ичига олиши керак: Ўзбекистон давлат стандарти – O’z DSt, ХС ни қабул қилган халқаро ёки ҳудудий ташкилотнинг белгиси – ISO, IEC, ISO/IEC, SEN ва ҳ.к., ХС нинг миллий стандарт сифатида қабул қилинган тартиб рақами ва йил, МС номи, ёйсимон қавслар ичида: ХС ни қабул қилган ташкилот белгиси ва қабул қилиш йили, мувофиқлик даражасининг қисқартирилган белгиси – IDT, MOD, NEQ.

Маҳсулот (хизматлар) сифати тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш, лойиҳалаш, тажриба-конструкторлик ишлари босқичларида шакллантирилади ва меъёрий ҳужжатларда белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонунида кўрсатилишича, стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар мамлакатимиз ва хорижий фан ва техниканинг замонавий ютуқларига асосланган бўлиши ва Ўзбекистон республикасининг Қонунларига мос келиши лозим. Бу талабларни бажариш учун меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертизаси (МХ ИТЭ) ни ўтказиш керак. Экспертиза Ўзбекистон давлат стандарти O’z DSt 1.21:2001 “Ўз СДТ. Меъёрий ҳужжатларни илмий-техникавий экспертиза қилиш” да белгиланган.

МХ ИТЭ меъёрий ҳужжатларнинг халқаро, ҳудудий, давлатлараро, хорижий стандартлар билан уйғунлаштирилганлик даражасини ўрнатиш, фан, техниканинг замонавий ривожланганлик даражасига мувофиқлигини, амалдаги қонунларга ва Ўз СДТ, Ўз ЎДТ, Ўз СМТ асос бўлувчи меъёрий ҳужжатларга ва бошқа стандартлаштириш тармоқлараро тизимларига мослигини ўрнатиш мақсадида бажариладиган тадқиқотдан иборат.

Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими талабларига мувофиқ қуйидагилар экспертизадан ўтказилади:

- МХ лойиҳалари;
- тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар;
- давлат рўйхатидан ўтказиладиган МХ;
- амалдаги МХ;
- МХ ўзгартиришларнинг лойиҳалари;

О давлат рўйхатидан ўтказиладиган, МХ нинг тасдиқланган ўзгартиришлари.

Экспертизанинг қуйидаги хиллари ўрнатилган:

- О нормаллаштириш текшируви;
- О келишишнинг тўлиқлиги;
- О мажбурий талабларга мувофиқлиги;
- О патент софлигига текшириш;
- О очик чоп этилмайдиган маълумотлар;
- О техник экспертиза;
- О иқтисодий экспертиза;
- О метрологик экспертиза;
- О экологик экспертиза;
- О терминологик экспертиза;
- О ҳуқуқий экспертиза;
- О нашриёт таҳрири;
- О илмий-техникавий даражани баҳолаш.

Ўзстандарт Агентлигининг топшириғи, буюртмачининг сўровномаси шунингдек зарурлигига қараб, стандартлаштириш объектининг хусусиятларига қараб, экспертиза алоҳида турлар бўйича ўтказилиши мумкин.

Ўзстандарт Агентлиги, стандартлаштириш бўйича техник қўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар ва экспертиза ўтказишга ваколатланган бошқа ташкилотлар меъёрий ҳужжатларни экспертизадан ўтказди.

Нормаллаштириш текширувида қуйидагилар текширилади:

- О меъёрий ҳужжатнинг тўғри тузилаганлиги ва расмийлаштирилгани;
- О амалдаги меъёрий ва бошқа ҳужжатларга тўғри ва ҳуқуқий ҳавола қилинганлиги;
- О МХ нинг зарур ахборот қидирув белгилари (номи, белгиси, маҳсулотнинг умумдавлат таснифлагичининг коди (МУТ), стандартлар умумдавлат таснифлагичининг гуруҳи (СУТ), символлар, қисқартмалар, амалга киритиш санаси ва(ёки) амал муддати, ҳужжатнинг қайси МХ ўрнига ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълумотлар ва ҳ.к.);
- О текширувчи шахслар, бажарувчилар имзоларининг мавжудлиги;
- О ҳужжатнинг ташқи кўриниши.

Келишиш тўлиқлигини текширишда меъёрий ҳужжатнинг манфаатдор ташкилотлар рўйхатига мувофиқ тўлиқ келишилганлиги, шунингдек рўйхатга киритилмаган ташкилотлар билан қўшимча равишда келишиш зарурлиги аниқланади. Фикр-мулоҳазалар тўплами, илмий-техникавий

кенгашларнинг баённомалари, келишув мажлисларининг баённомалари, меъёрий ҳужжатда фикр-мулоҳазаларнинг, таклифларнинг тўлиқ акс эттирилганлиги таҳлил қилинади, ишлаб чиқувчининг фикр ва таклифлар бўйича хулосасининг асослиги аниқланади.

Мажбурий талабларга мувофиқлигини текшириш мажбурий талабларнинг Ўзбекистон қонунларига, мос халқаро ва миллий стандартларга, стандартлаштириш тармоқлараро тизимларга мувофиқ тўлиқ ва тўғри баён этилганлигини аниқлашдан иборат.

Стандартлаштириш объектининг *патент софлиги* патент формулярининг тўғри тўлдирилганлиги (бундай ҳужжат мавжуд бўлганда) текшириш йўли билан аниқланади.

Очиқ чоп этилмайдиган маълумотларнинг борлиги мос йўриқнома бўйича текширилади.

Техник экспертизани ўтказишда:

меъёрий ҳужжат номининг техник топшириққа (мавжуд бўлганда), меъёрий ҳужжатнинг мазмунига ва стандартлаштириш режалари (дастурлари) га мослиги, стандартлаштириш объектининг меъёрий ҳужжат даражасига мувофиқлиги, меъёрий ҳужжатнинг тўғри баён этилганлиги ва мазмунининг тўғрилиги аниқланади; меъёрий ҳужжат кўрсаткичларининг давлатлараро стандартлар ва миллий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлиги; текширилаётган меъёрий ҳужжатнинг ўхшаш маҳсулотга амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг такрорланганлик ҳоли аниқланади.

Иқтисодий экспертиза тушунтириш ёзувидаги маълумотларни тасдиқловчи, меъёрий ҳужжатни жорий этиш техник-иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги ҳисобининг тўғрилигини текширишдан иборат.

Метрологик экспертиза О'з РН 51 – 106:2001 бўйича бажарилади.

Терминологик экспертиза ўрнатилаган илмий-техникавий атамаларнинг меъёрий ҳужжатда тўғри қўлланилганлигини, давлатлараро ва республика терминологик стандартларига риоя қилинганликни текшириш босқичи бўлади.

Ҳуқуқий экспертиза меъёрий ҳужжат мазмунининг амалдаги қонунларнинг талабларига мувофиқлигини текширишдан иборат.

Наириёт таҳрири меъёрий ҳужжат матнини илмий ва адабий таҳрир, техник таҳрир қилишдан иборат.

Илмий ва адабий таҳрир меъёрий ҳужжат мазмунини мантикий, техник ва адабий жиҳатдан тўғри саводли баён этиш, қабул қилинган қисқартмаларга риоя қилиш, орфографик, синтаксис, стилистик хатоларни йўқотиш мақсадида бажарилади.

Техник таҳрир меъёрий ҳужжатни босмахонада ёки бошқа усулда чоп этишга тайёрлашдан иборат.

Лойиҳанинг ёки тасдиқланган меъёрий ҳужжатнинг “Стандартлаштириш тўғрисида” Қонун талабларига, ҳақаро, давлатлараро, ҳудудий, хорижий стандартларнинг талабларига мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек уйғунлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида меъёрий ҳужжатларнинг *илмий-техникавий даражаси* (ИТД) баҳоланади.

Баҳолаш меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар (стандартлаштириш бўйича техник кўмиталар, стандартлаштириш бўйича таянч ташкилотлар, корхоналар, ташкилотлар), Ўзстандарт Агентлигининг идоралари томонидан О’з РН 51 – 077:1998 “Ўз СДТ. Маҳсулотга меъёрий ҳужжатнинг илмий-техникавий даражасини баҳолаш методикаси” га мувофиқ, ишлаб чиқувчи томонидан тузиладиган маҳсулот техник даражаси ва сифати картасини ва (ёки) қиёслаш жадвалини қўлланиб, кўрсаткичларни қиёсий баҳолаш асосида бажарилади.

Меъёрий ҳужжатлар экспертизасининг натижалари ихтиёрий шаклда тузилган далолатнома кўринишидаги эксперт хулоса билан расмийлаштирилади. Далолатномада ўтказиладиган барча турдаги экспертиза натижалари акс эттирилади. Хулосада экспертиза объектининг умумий тафсилоти қуйидагича ёзилади: “Меъёрий ҳужжат (меъёрий ҳужжат лойиҳаси) стандартлаштириш давлат тизими, ўлчашлар бирлигини таъминлаш давлат тизими, Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш миллий тизими талабларига ва бошқа стандартлаштириш тармоқлараро тизимларига мувофиқ келади (мувофиқ келмайди)”.

Далолатнома эксперт ва экспертизани ўтказган бўлимлар раҳбарларининг имзоси билан ишонтирилади ва раҳбарият томонидан тасдиқланади.

Келишмовчиликлар бўйича охириги қарорни: меъёрий ҳужжатни экспертизага жўнатган ташкилот; Давархитектурақурилиш,

Давтабиатқўмита, Ўзбекистон Республикасининг соҳликни сақлаш Вазирлиги (ўз ваколати доирасида); Ўзстандарт Агентлиги хулоса шаклида қабул қилади.

Меъёрий ҳужжат экспертизасининг далолатномаси сўровчига ва ишлаб чиқувчи – аслият эгасига жўнатилади.

Далолатноманинг бир нусҳаси меъёрий ҳужжат ва барча иловалар билан бирга экспертизани ўтказган ташкилотда сақланади. Барча ҳолларда меъёрий ҳужжат экспертизаси далолатномасининг бир нусҳаси Ўзстандарт Агентлигига жўнатилади.

Эксперт хулосанинг ҳолис (объективлиги) га масъуллиқ экспертизани ўтказган мутахассис-экспертга юклатилади.

2.1.1. Стандартлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотлар

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилотлар:

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO)

Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (International Standards Organization) 1946-1947 йиллари ташкил топган бўлиб, у қисқача ИСО деб юритилади. Бу нуфузли ташкилот Бирлашган Миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси таркибида фаолият кўрсатиб ривож топмоқда^[13].

ИСОни ташкил этилишининг асосий мақсади - халқаро миқёсдаги мол алмашинувида ва ўзаро ёрдамни енгиллаштириш учун дунё кўламида стандартлаштиришни такомиллатиришга кўмаклашиш ҳамда ақлий, илмий, техникавий ва иқтисодий фаолиятлар соҳасидаги ҳамдўстлик алоқаларини ривожлантиришдан иборат.

ИСО раҳбар ва ишчи қўмиталардан ташкил топиб, раҳбарият таркибига Кенгашнинг юқори идораси – Бош Ассамблея, Кенгаш, ижроия бюроси, техниканий бюро, кенгашнинг техникавий қўмиталари ва марказий котибият киради. Ташкилий тузилмаси 1 - расмда келтирилган.


ИСОда президент, вице-президент, ғазначи ва бош котиб лавозимлари мавжуд. Бош Ассамблея – ИСОнинг Олий раҳбари ҳисобланиб, ИСОнинг

Йиғилиши уч йилда бир марта ташкиллаштирилади. Унинг сессиясида президент уч йил муддатга сайланди.

Бош Ассамблея ўтказиш вақтида саноат соҳасида етакчи мутахассислар иштирокида ҳалқаро стандартлаштиришнинг муҳим омиллари ва йўналишлари муҳокама қилинади.

ИСО кенгаши бир йилда бир марта ўтказилиб, унда ташкилотнинг фаолияти, хусусан, техникавий идораларнинг тузилиши ҳалқаро стандартларнинг чоп этилиши, кенгаш идораларининг аъзоларини ҳамда техникавий қўмиталарнинг раисларини тайинлаш билан бирга бошқа масалалар кўрилади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш, бошқариш ва таъминлаш бўйича охирги вақтда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш натижасида бир неча стандартларнинг мужассамланган бир қатор меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқди. Масалан: сифат тизими соҳасида ИСО 9001, меҳнат хавсизлиги соҳасида ИСО 18000, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавсизлигига доир ИСО 22000 ҳамда экология соҳасида ИСО 14000 серияли стандартларни келтириш мумкин.



Халқаро электротехника комиссияси (ИЕС)

Электротехника соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бўйича ишлар 1881 йилдан бошланган, чунки бу йили электр бўйича биринчи халқаро конгресс бўлиб ўтган эди. Кейинроқ 1906 йили Лондонда 13 мамлакат вакиллариининг конференциясида махсус идора – халқаро электротехника комиссияси тузиш бўйича бир фикрга келинди. Бу идора электр машиналари соҳаси бўйича атамалар ва параметрларни стандартлаштириш масалалари билан шуғуллана бошлади.

МЕК низомига кўра, бу ташкилотнинг мақсадлари электротехника ва радиотехника ва уларга қўшни тармоқлардаги муаммолар соҳаларидаги стандартлаштириш масалаларини ҳал қилишдир.

ИСО ва МЕК фаолиятлари бўйича фарқланади, МЕК электроника, радиоалоқа, асбобсозлик соҳалари бўйича шуғулланса, ИСО эса қолган бошқа ҳамма соҳалар бўйича стандартлаштириш билан шуғулланади.

Ҳозирги вақтда 41 та миллий кўмиталар МЕКнинг аъзолари ҳисобланади. Бу мамлакатларда ер куррасининг 80% аҳолиси, 95% дунёдаги ишлаб чиқарилаётган электр қувватининг истеъмолчиси ҳисобланади. Бу асосан саноати ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатлардир. МЕК инглиз, француз ва рус тилларида иш олиб боради.

МЕКнинг олий раҳбар идораси МЕК кенгашидир, кенгашда мамлакатларнинг ҳамма миллий кўмиталари ўз ўрнига эга. МЕК идорасининг юқори раҳбар лавозими президент бўлиб, у ҳар 3 йил муддатда сайланади. Бундан ташқари вице-президент, ғазначи, бош котиб лавозимлари ҳам бор. МЕК ҳар йили бир марта ўз кенгашига йиғилади ва ўз фаолияти доирасидаги масалаларни ҳал қилади. Унинг ташкилий тузилмаси 2-расмда келтирилган.

1972 йилга қадар МЕК ва ИСО лар томонидан яратилаётган хужжатлар тавсия сифатида фаолият кўрсатар эди. 1972 йили эса МЕК, ИСО ларнинг тавсиялари халқаро стандартларга айлантирилиши ҳақида қарор қабул қилинди.

Стандартлаштириш ишларида иштирок этадиган халқаро ташкилотлар:

Европа Иқтисодий Комиссияси БМТ - БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг идораси, 1947 йил ташкил этилган.

Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилоти- Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилоти БМТ нинг иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг идораси ташаббуси билан 1948 йилда ташкил этилган ва у БМТ нинг махсус ташкилоти ҳисобланади. Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг асосий мақсади унинг низомида белгилаб қўйилган ва у – бутун дунё халқлари томонидан эришиш мумкин бўлган энг юқори соғлиқ даражасига етказиш. Бу ташкилотга 180 мамлакат аъзо. Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилоти ИСОда маслаҳатчи мақомига эга ва 40 дан зиёд техник қўмиталар фаолиятида иштирок этади.

Бутунжахон Савдо Ташкилоти (WTO) - 1947 йилда Уругвайда савдодаги тарифлар бош келишувига мувофиқ ташкил топган. 1995 йилда янги талаблар асосида қайта ташкил этилган. Штаб квартираси Венада. Хозирда 155 мамлакат аъзо ҳисобланади. БСТ секретариатида 500 га яқин турли мамлакатлардан турли соҳалар бўйича экспертлар гуруҳи фаолият кўрсатади. Асоси вазифаси савдо иқтисодий ва савдо сиёсий муносабатларни халқаро даражада тартибга солишдан иборат.

Истемолчилик бирлашмалари халқаро ташкилоти - Истемолчилик бирлашмалари халқаро ташкилоти махсулотлар сифатли бўлиши таъминлаш борасида, айниқса кенг истемолда бўлган махсулотларни, фаолият юритиб келмоқда. 1960 йилда ташкил этилган. Истемолчилик бирлашмалари халқаро ташкилотига 160 дан зиёд турли мамлакатларнинг истемолчилик ассоциациялари аъзо.

Метрология қонунчилиги халқаро ташкилоти (МОЗМ) –ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ҳукуматлараро ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади мамлакатларнинг метрологик хизматлари ва бошқа миллий ташкилотларининг ўлчаш натижалари тўғрилиги ва аниқлиги, уларни ўзаро солиштирилувчанлигини таъминлаш борасидаги фаолиятларини халқаро даражадаги келишувига эришиш. Бу ташкилот 1955 йилда қатнашчи мамлакатларнинг қонунчилик идоралари конвенцияни ратификациялаши асосида ташкил топган.

Ўлчов ва бирликлар халқаро бюроси (фр. Bureau International des Poids et Mesures, BIPM) –1875 йилда имзоланган Метрик конвенцияга мувофиқ ташкил топган, доимий равишда фаолият юритадиган халқаро ташкилот. Бюронинг асосий мақсади конвенцияга аъзо мамлакатларда ягона ўлчовлар бирлигини ишлашини таъминлаш. 2014 йилга келиб 55 мамлакат бу ташкилотга аъзо бўлган.

Минтақавий ташкилотлар

Межгосударственный совет СНГ (МГС / EASC)

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) доирасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш фаолияти 1992 йилдан бери амалдаги, давлатлараро ҳисобланувчи “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳалари келишилган сиёсатни юритиш тўғрисидаги битим”га мувофиқ олиб борилади. Бу борада МДХ қатнашчилар учун Давлатлараро Кенгаш (МГС – Межгосударственный Совет) тузилган бўлиб, унда аъзо давлатларнинг стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотлари иштирок этадилар. МГС давлатлараро стандартларни қабул қилади.

1995 йил ИСО ташкилот кенгаши МГСни стандартлаштириш бўйича МДХ давлатларининг минтақавий ташкилоти сифатида тан олди. Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро Кенгаш аъзолари ва уларнинг миллий идоралари 2-жадвалда келтирилган.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича
Давлатлараро Кенгаш аъзолари ва уларнинг миллий идоралари (2-жадвал)

Давлатларнинг номлари	Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий ташкилотларнинг номлари
Озарбайжон Республикаси	Аздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусия Республикаси	Белорусия давстандарт
Грузия	Грузстандарт
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси давстандарт
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия давстандарт
Тожикистон Республикаси	Тожиқдавстандарт
Туркманистон	Туркманистон бош давлат инспекцияси
Ўзбекистон Республикаси	Ўзстандарт
Украина	Украина давстандарт

Давлатлараро Кенгаш фаолияти “Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро Кенгаш, Сертификатлаштириш бўйича илмий-техник комиссияси тўғрисида”ги Низом асосида ташкил этилади.

Стандартлаштириш бўйича ишлар миллий ташкилотлардан келиб тушган таклифларнинг умумлашуви асосида тузилган дастурга мувофик амалга оширилади. Ҳозиргача МГС томонидан бир неча минг давлатлараро тоифасидаги стандартлар қабул қилинган. Биргина 1996 йилнинг охиригача 2000 дан зиёд стандартлар қайта кўриб чиқилган ва қабул қилинган.

Давлатлараро стандарт (ГОСТ): Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро Кенгаши (кейинги ўринда – Давлатлараро Кенгаш) ёки Қурилишда стандартлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича давлатлараро илмий-техник комиссияси томонларидан (кейинги ўринда – МНТКС) қабул қилган стандарт^[14].

Давлатларо стандартлаштириш: Давлатлараро манфаатларни ифода этадиган стандартлаштириш объектлари.

Давлатлараро стандартлаштиришнинг асосий мақсади бўлиб:

- Келишув қатнашчилари бўлган ҳар бир давлат истеъмолчилари манфаатларини қуйидаги масалалар бўйича ҳимоя қилиш: жараён, хизмат ва маҳсулотларнинг сифати бўйича; аҳоли соғлиғи, мол-мулки ва ҳаёт учун хавфсизликни таъминлаш бўйича; атроф-муҳит муҳофазаси бўйича;

- Давлатлараро манфаатлардан келиб чиқиб, маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувчанлиги ва мослиги каби бошқа талабларни таъминлаш;

- Келишув иштирокчиларининг – давлат ишлаб чиқариш иқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига ва барча кўринишдаги ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш;

- Келишув иштирокчиларининг давлатлараро бозорларда самарали иштирокини таъминлаш, давлат маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, савдо ва ишлаб чиқаришдаги техник тўсиқларни бартараф қилиш;

- Келишув иштирокчиларининг техноген ва табиий ҳалокатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг вужудга келиши натижасида давлат хўжалик объектларининг хавфсизлигини оширишга эришиш.

Давлатлараро стандартлаштиришнинг асосий принциплари, йўналишлари, объекти ва меъёрий ҳужжатларнинг турлари ГОСТ 1.0 берилган.

Давлатлараро стандартлаштириш бўйича атама ва тарифлар ГОСТ 1.1, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, қўллаш янгилаш ва бекор

килиш тартиби ГОСТ 1.2, техник шартларни келишиш, тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ГОСТ 1.3, корхона стандартларини ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш тартиби ГОСТ 1.4 ва стандарт тузилиши, баёни, таркиби ва расмийлаштирилиши ГОСТ 1.5 асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Хозирги вақтда МДХ давлатлараро стандартларининг жамғармасида 19000 дан ортиқ меъёрий ҳужжатлар бор. 1992 – йилдан бошлаб 3800 дан ортиқ давлатлараро меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Жамғарма ДАК нинг стандартлаштириш бўйича Бюроси томонидан, ДАК аъзо-давлатларнинг миллий идоралари билан ҳамкорликда олиб борилади.

Давлатлараро меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда уларнинг талаблари халқаро, ҳудудий ва илғор миллий стандартлар билан уйғунлаштирилади. Бу МДХ мамлакатларининг савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликда техник тўсиқларни бартараф этишга йўналтирилган ягона меъёрий-техник таъминотни сақлаш учун шароит яратади, шунингдек ДАК аъзо-давлатларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни халқаро ва европа бозорига чиқаришга кўмаклашади.

Европанинг стандартлаштириш идоралари:

Европа иқтисодий уюшмаси (ЕИУ) нинг стандартлаштириш соҳасидаги фаолияти ЕИУ ни ташкил этиш тўғрисида 100 Рим шартномасининг ЕИУ аъзо-давлатлари қонун, бошқарув ва маъмурий қарорларини яқинлаштиришни буюрувчи моддасига асосланган.

“Техник уйғунлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида янгича ёндашиш тўғрисида 7 май 1985 – йил Қарорида” ЕИУ Кенгаши қуйидаги принципларни тасдиқлади:

– қонунларни уйғунлаштириш 100 – моддага мувофиқ директивалар доирасида хавфсизлик асосий талабларини ўрнатиш билан чекланади. Бу, Уюшма доирасида ушбу маҳсулот учун эркин савдо шароитлари таъминланиши лозимлигини аңлатади;

– саноат буюмларини стандартлаштириш учун масъул идораларга технологиянинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда техник регламентларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилади. Бундай регламентларга асосан, Уюшма аъзолари директиваларда ўрнатилган умумий талабларга риоя қилган ҳолда маҳсулот яратиши ва фойдаланишга қўйиши мумкин;

– бундай техник регламентлар мажбурий эмас, балки ихтиёрий қўлланиладиган стандартлар бўлиб қолади;

– айна бир вақтда Уюшма маъмуриятга уйғунлаштирилган стандартлар (ёки вақтинчалик миллий стандартлар) бўйича тайёрланган маҳсулотнинг директивада ўрнатилган “умумий талабларга” мувофиқлигини ўрнатиш вазифаси юклатилади. Бу демакки, ишлаб чиқарувчи маҳсулотни бу стандартларсиз ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлса ҳам, бу ҳолда ишлаб чиқувчига ўз маҳсулотининг директивадаги умумий талабларга мувофиқлигини исботлашига тўғри келади.

Ўтиш даврида, ягона стандарт қабул қилинишига, энг яхши миллий стандартлардан кенг фойдаланишга катта аҳамият берилади.

Уюшма мамлакатларининг интеграция жараёнларига талабларни кондирувчи ҳақро стандартларни қўлланиш кўзда тутилган, агар бундай стандартлар йўқ бўлса, европа стандартлари (СЕН/СЕНЭЛЕК стандартлари) ишлаб чиқилади. Бундай стандартлар келажакда халқаро стандартлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Европа стандартларига афзаллик берилади, натижада Ғарбий Европада ҳудудий стандартлаштиришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мумкин бўлади.

Стандартлаштириш бўйича Европа қўмитаси (СЕН)

ЕИУ доирасида бирлашган бозорни яратиш бўйича вазифаларни амалга ошириш муносабати билан “техник тўсиқларни” бартараф этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Бундай техник тўсиқлар буюмларга стандартлардаги фарқ, улардан фойдаланиш қоидаларининг зидлиги, хавфсизлик техникаси бўйича фарқланувчи меъёрлар, соғлиқни сақлаш ва табиатни асраш меъёрларидаги фарқлар ҳисобига пайдо бўлади.

Бу муаммони ҳал қилишда европа стандартлаштиришига биринчи навбатда аҳамият берилади.

ЕИУ ва Европа эркин савдо ассоциацияси (ЕЭСА) вакилларининг 23 март 1961 йилда Парижда бўлиб ўтган мажлисида СЕН нинг ташкил этилганлиги эълон қилинди (СЕН 1970 – йилгача Стандартларни мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси, деб аталган). СЕН аъзолари ЕИУ ва ЕЭСА нинг 18 мамлакати: Австрия, Белгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Исландия, Италия, Люксембург, Норвегия,

Нидерландия, Португалия, Финляндия, ГФР, Франция, Швеция ва Швецария стандартлаштириш бўйича миллий ташкилотларидан иборат. Бу – ёпик ташкилот бўлиб, Ғарбий Европа мамлакатларининг юқорида келтирилган иқтисодий гуруҳ аъзоларини бирлаштиради.

СЕН нинг биринчи мажлисидаёқ Устав ва процедура Қоидалари тасдиқланди. 1970 – йилда СЕН Устави қайта кўриб чиқилади. Бунда Уставга маълум ўзгартиришлар билан бирга европа стандартлари (EN) ни мажбурий яратиш ҳам киритилган.

Стандартларни яратиш бўйича барча ишлар техник қўмиталар томонидан олиб борилади. Бундай техник қўмиталарда техник секретариатлар иқтисодий гуруҳ мамлакатларидан бири томонидан бошқарилади.

СЕН доирасида 140 дан ортиқ ТҚ тузилган. ТҚ билан бир қаторда, алоҳида масалаларни ҳал этиш учун маслаҳат гуруҳлари ташкил этилган.

СЕН вазифаси қуйидагилар воситасида хизматлар савдосини ва алмашилишни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат:

- СЕН аъзо-мамлакатларида яратилаган стандартларни уйғунлаштириш ва европа стандартларини ишлаб чиқиш;

- ўзларининг директиваларида ва бошқа расмий ҳужжатларида ҳавола қила олишлари учун европа стандартларини ЕИУ, ЕЭСА га, шунингдек бошқа ҳукуматлараро ташкилотларга тақдим этиш;

- электротехникада стандартлаштириш бўйича Европа қўмитаси ва стандартлаштириш масалалари бўйича бошқа илмий-техник ва иқтисодий ҳудудий ҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик;

- ИСО ва МЭК орқали халқаро стандартлаштиришга ва Европада ИСО стандартларини ва бошқа халқаро стандартлар ва тавсияномаларни бир хилда қўлланишга кўмаклашиш;

- европа стандартлари асосида сертификатлаштириш билан боғлиқ бўлган хизматларни бериш.

СЕН да стандартлаштириш бўйича ишлар кўп жиҳатдан ИСО да эришилган натижалаларга асосланади ёки уларни тўлдиради.

СЕН қуйидаги соҳаларда стандартлар яратади: авиация жихозлари, сув иситиш газ приборлари, газ баллонлари, кўтариш механизмларининг деталлари, ошхона газ плиталари, лифтлар ва юк кўтаргичлар, пайвандлаш ва қирқиш, қувурлар ва трубопроводлар, насос станциялари (фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш), стеклопластикадан тайёрланган цистерналар ва бошқалар.

Электротехникада стандартлаштириш бўйича Европа қўмитаси (СЕНЭЛЕК)

СЕНЭЛЕК 1972 – йилда иккита ташкилот – ЕЭСА (СЕНЭЛ) аъзолари-мамлакатларининг электротехник стандартларни мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси ва ЕИУ мамлакатларининг электротехник стандартларини мувофиқлаштириш бўйича Европа қўмитаси (СЕНЭЛҚОМ) нинг бир-бирига қўшилиши натижасида тузилди.

СЕНЭЛЕК аъзолари 17 европа давлатлари: Австрия, Белгия, Буюк Британия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Норвегия, Португалия, Финляндия, Франция, ГФР, Швецария, Швециянинг миллий электротехник қўмиталаридан иборат. Бу давлатлар (Люксембургдан бошқалари) бир вақтда МЭК аъзоси ҳисобланади.

СЕНЭЛЕК нинг расмий тили инглизча, французча ва немисча.

СЕНЭЛЕК нинг асосий мақсадлари ЕИУ билан яқин ҳамкорликда электротехник стандартлар тўпламини яратиш, шунингдек Европа эркин савдо ассоциацияси Секретариатининг ёрдамида бу ҳудуд мамлакатларида моллар ва хизматларнинг ягона бозорини таъминлашдан иборат. СЕНЭЛЕК аъзо – миллий қўмиталарнинг тўлиқ ўзаро келишуви билан яратилган стандартларга бу вазифани таъминлаш учун муҳим восита сифатида қаралади. СЕНЭЛЕК нинг асосий фаолияти аъзо-мамлакатлар миллий стандартлари ўртасидаги ва буюмларнинг стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштириш процедуралари ўртасидаги барча техник фарқларни бартараф этишга йўналтирилган. Бундай фаолият савдода техник тўсиқларга

йўл қўймаслик учун зарур. Бу иш молларнинг ғарбий европа даражасида эркин юриши учун зарур кафолат деб ҳисобланади.


2.2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашда халқаро стандартларни қўлланилиши

Бугунги кунда жаҳон тараққиётининг дунёвий муаммоларини ҳал қилишнинг асосий унсурларидан бири сифатида стандартлаштиришнинг роли ошиб бормоқда. Ягона стандартларнинг шаклланиши хавфсизликни таъминлаш даражаси, ишлаб чиқариш жараёнлари ва энергетик самарадорлигини оширувчи хавф хатарни баҳолаш, шунингдек атроф-муҳитни ҳимоя қилиш технологияларининг фаол тарқалишига ёрдам беради. Шу муносабат билан айтиш мумкинки, стандартлар – такомиллаштиришнинг муҳим қуролидир.

Стандартлар жараёнлар, маҳсулотлар ва хизматларнинг ўзаро алмашинувчанлигини ва синовлар натижалари ёки ушбу стандартларга мувофиқ тақдим этилган маълумотларнинг ўзаро тушунилишини таъминлайди^[11].

Халқаро стандартларни қўллаш ва ривожланган давлатлар миллий стандартларидан фойдаланиш мамлакатимизда стандартлаштириш соҳасида устивор йўналишлардан ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 6- моддасига мувофиқ ва технология ва ускуналар техник даражасини ҳисобга олган ҳолда стандартлардан янада самарали фойдаланиш учун “Ўзстандарт” агентлиги норматив ҳужжатлар фондида бугунги кунда 44000дан кўпроқ меъёрий ҳужжатлар жамланган. Уларнинг 8116 халқаро стандартлар, 20393 давлатлараро стандартлар, 8679 хорижий мамлакатларнинг миллий стандартлари, 1679 Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари, 168

тармоқ стандартлар, 4692 техник шартлар, 334 корхона стандартлари, 198 раҳбарий хужжатлари ташкил қилади (1-расм).



1-расм. Меъёрий хужжатларнинг тоифалари бўйича тақсимланиши

1995 йилдан буён, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарлари томонидан имзоланган Битимга мувофиқ ГОСТ стандартлари ИСО стандартлари негизида ишлаб чиқилади.

Сўнгги ўн йил давомида республикамызда амалдаги сифат тузилмаларини халқаро талабларга мувофиқлаштириш борасида ишлар олиб борилиб, миллий стандартларни тадбиқ қилиш ва қўллаш халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Сертификатлаш ва аккредитлаш Миллий тизимининг асос бўлувчи стандартлари ИСО/МЭК халқаро стандартларини айнан таржимасидан иборат. Сертификатлаш ва аккредитлаш тизимлари бас бутунлигича ИСО/МЭК 17000 туркумдаги халқаро стандартлари ва Европанинг 45000 туркум нормаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган корхоналарда ИСО 9001, ИСО 14001, ИСО 22000 халқаро стандартлари асосида сифатни бошқариш тизимлари жорий этилмоқда.

Халқаро амалиёт ва тажриба шуни кўрсатдики, стандартларни ишлаб чиқишнинг энг самарали йўли техник қўмиталар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ экан. Ушбу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда давлат стандартлаштириш тизимида 19 та техник қўмиталар ташкил этилган бўлиб, улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатишмоқда.

Халқаро стандартлаштириш бўйича ишларни ташкиллаштириш ва халқаро стандартларни амалга тадбиқ этаётган ташкилот ва корхоналарга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида мамлакатимиз қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, Давлатлараро стандартлаштириш Кенгаши, Марказий ва Шарқий европа мамлакатлари метрологик ташкилоти, Минтақалараро стандартлаштириш уюшмаси, Қонунчилик метрологияси халқаро ташкилоти, Лабораторияларни аккредитлаш халқаро кооперацияси каби ташкилотларга аъзо бўлган.

Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот (ИСО) билан ҳамкорлик доирасида “Ўзстандарт” агентлиги ушбу ташкилот техник қўмиталари фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. “Ўзстандарт” агентлиги ТК ISO 34/ПК 5 “Сут ва сут маҳсулотлари”, ТК ISO 34/ПК 14 “Хўл ва қуритилган мева ва сабзавотлар”, шунингдек ISO 9000 туркумидаги халқаро стандартларни ишлаб чиқадиган ISO ТК 176 “Сифат менежменти ва сифатни таъминлаш” ҳамда ISO ТК 176/ПК 2 “Сифат тизимлари” техник қўмиталари аъзосидир.

ISO техник қўмиталарида ишлаш катта имкониятлар очиб, халқаро стандартларни ишлаб чиқишда хомаки лойиҳадан тортиб, стандартнинг қабул қилинишигача бўлган барча жараёнларда иштирок этиш саноатининг

устивор йўналишларида давлат стандартлари қабул қилиниши муддатларини қисқартириш, шунингдек стандартларни ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш манфаатларини ҳисобга олиш имконини беради.

Бугунги кунда республика иқтисодининг турли тармоқларида қўллаш учун меъёрий хужжатлар давлат фондида тайёр халқаро стандартлар мавжуд. Ахборот технологиялари бўйича 2450 стандарт, тоғ-кон саноати учун 1042 стандарт, нефть-газ саноатида назорат услублари, синов ва таҳлил ишлари учун 467 стандарт, текстил ва енгил саноати учун 323 стандарт, электр энергетика саноати учун 206 стандарт, ер усти транспорти учун 56 стандартлар мавжуд. қолган барча тармоқлар бўйича ҳам зарур хатлов (инвентаризация) ишлари ўтказилган.

Жумладан Республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳаси кесимида стандартларнинг қўлланилиши таҳлил қилинганда турли соҳаларда халқаро стандартлар талабларига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганлигини 3 – жадвалда кузатишимиз мумкин.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида стандартларнинг қўлланилиши (3 - жадвал)

Соҳаларнинг номланиши	Стандарт лаштири ш бўйича қўллани лаётган меъёрий хужжат лар сони	Шу жумладан:					Халқаро стандартлар билан уйғунлашган
		Давлат-лараро стандартлар (ГОСТ)	Давлат стандарти (O'zDSt)	Тармоқ стандарти (TSt)	Техник шарт-лар (TSh)	Корхона стандарти (KSt)	
Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги	112	99	13	-	-	-	2
Пахта	6	-	6	-	-	-	-
Чорвачилик	72	71	1	-	-	-	16
Тамаки	3	3	-	-	-	-	1
Мева, сабзавот - полиз	93	88	-	-	5	-	17

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий хужжатлар	71	-	-	-	71	-	-
Тайёр сут	2	2	-	-	-	-	-
Балиқчилик	2	2	-	-	-	-	-
Тўвуқ тухуми	1	-	1	-	-	-	-
Асаларичилик	7	7	-	-	-	-	-

Ҳозирги кунда республикада ИСО халқаро стандартлари асосида 55та давлат стандартлари қабул қилинган бўлиб, назорат ишлари ва синовлар борасидаги 116 та жанубий Корея стандарти, материаллар синови бўйича Америка уюшмасининг 98 та стандарти, 36 та Германия миллий стандартлари тўғридан тўғри қўлланишда фойдаланилмоқда.

Халқаро ва хорижий стандартларни тадбиқ этиш бўйича аниқ мисоллар келтириш мумкин.

2010 йил бошидан буён хорижий мамлакатларнинг машинасозлик, кимё ва озиқ-овқат саноатлари тармоқларига тегишли бўлган 8 та миллий стандартлари қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг спорт ускуналари ва ёнғинга қарши асбобларига тегишли стандартлари мос равишда ИСО 2435-73 ва ИСО 4470-81 халқаро стандартлари билан уйғунлаштирилган.

Машинасозлик, автомобилсозлик ва кимё саноати маҳсулотларининг 10 та техник шартлари ИСО халқаро стандартлари, БМТ ЕЭК қоидалари, Россия ва Жанубий Корея миллий стандартлари билан уйғунлаштирилган.

Болалар ўйинчоқларига 4 та стандарт халқаро электротехника камиссияси стандартлари ва Европа нормалари билан уйғунлаштирилган ҳолда тасдиқланди.

2.3. Қишлоқ хўжалигига оид стандартларни халқаро стандарт талаблари билан уйғунлаштириш


Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш, уни сифати, рақобатбардошлиги ва экспорт ҳажмини ошириш муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани амалга ошириш учун аграр соҳадаги миллий стандартларни халқаро (ISO) ва ҳудудий (EN) стандартлар билан уйғунлаштириш позициясини кучайтириш керак. Бу эса ички ва ташқи савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиб, юртимиз ишлаб чиқарувчиларини Европа ва жаҳон бозорида фаолият юритишига шароит яратади^[8].

Халқаро ва Европа стандартларини уйғунлаштириш ва қўллаш учун Миллий стандартлаштириш тизимида иккита асосий вариантни кўриш мумкин: Тўғридан - тўғри ва билвосита.

Тўғридан-тўғри қўллаш - Халқаро ёки ҳудудий стандартни бошқа ҳар қандай меъёрий ҳужжатда қабул қилинганлигига қарамасдан мазкур халқаро ёки ҳудудий стандартларни қўллаш.

Билвосита қўллаш - Халқаро ёки ҳудудий стандартни шу стандарт қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжат орқали қўлланилиши.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2009 йил 04 апрелда (04-25-23-сон) тасдиқланган “Озиқ – оқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлиги назоратини таъминланишини комплекс тизимли ташкиллиштириш” тўғрисидаги чора тадбирлар режасига мувофиқ 2010 - 2011 йиллар давомида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига оид (шулар жумласидан, озиқ-овқат) 30 дан ортиқ стандарт халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилди (4-жадвал).



2-расм. Миллий стандартларни халқаро ва европа стандартлари билан уйғунлаштириш схемаси

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига оид уйғунлаштирилган стандартлар

(4-жадвал)

№	Белгиланиши ва номланиши
1.	O'z DSt ISO 1134:2010 Ноклар – совуқ ҳолда сақлаш
2.	O'z DSt ISO 2826:2010 Ўриклар совуқ шароитда сақлаш бўйича йўриқнома
3.	O'z DSt ISO 873:2010 Совуқ шароитда сақлаш бўйича йўриқнома
4.	O'z DSt ISO 8682:2010 Назоратли атмосфера шароитида сақлаш бўйича йўриқнома
5.	O'z DSt ISO 1212:2010 Олмалар – совуқ ҳолда сақлаш
6.	O'z DSt ISO 874:2011 Мева ва сабзавотлар – намуна олиш
7.	O'z DSt ISO 949:2011 Гулқарамлар – совуқ шароитда сақлаш ва совутилган ҳолда ташиш бўйича йўриқнома
8.	O'z DSt ISO 2169:2011 Мева ва сабзавотлар – совуқ шароитда сақлашнинг физикавий талаблари – тарифлар ва ўлчовлар
9.	O'z DSt ISO 2165:2011 Картошка – сақлаш бўйича йўриқнома
10.	O'z DSt ISO 9833:2011 Қовунлар совуқ шароитда сақлаш ва совутилган ҳолда ташиш
11.	O'z DSt ISO 1973:2011 Пиёзлар - совуқ шароитда сақлаш бўйича йўриқнома
12.	O'z DSt ISO 6659:2011 Ширин қалампирлар – совуқ шароитда сақлаш ва совутилган ҳолда ташиш бўйича йўриқнома
13.	O'z DSt ISO 2166:2011 Сабзилар – сақлаш бўйича йўриқнома
14.	O'z DSt ISO 750:2011 Мева ва сабзавот маҳсулотлари – титратланувчи кислотани аниқлаш
15.	O'z DSt ISO 7560:2011 Бодринг – сақлаш ва совуқ шароитда ташиш
16.	O'z DSt ISO 3659:2011 Мева ва сабзавотлар – совуқ шароитда сақлашдан сўнг етилтириш
17.	O'z DSt ISO 1842:2011 Мева ва сабзавот маҳсулотлари - pH ни аниқлаш
18.	O'z DSt ISO 5525:2011 Памидор – совуқ шароитда сақлаш ва ташиш бўйича йўриқнома

19.	O‘z DSt ISO 3634:2011 Сабзавот маҳсулотлари – хлорид таркибини аниқлаш
20.	O‘z DSt ISO751:2011 Мева ва сабзавот маҳсулотлари – сувда эримайдиган моддаларни аниқлаш
21.	O‘z DSt ISO 1026:2011 Мева ва сабзавот маҳсулотлари: паст босим остида қуритиш орқали маҳсулотлардаги қуруқ моддалар таркибини ва азеотропик услубда моддаларни таркибий қисмга ажратиш орқали сувли модда таркибини аниқлаш
22.	O‘z DSt ISO 1955:2011 Цитрус мевалар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар: эфир мойи таркибини аниқлаш (намунавий услуб)
23.	O‘z DSt ISO 3631:2011 Цитрус мевалари - сақлаш бўйича йўриқнома
24.	O‘z DSt ISO 2447:2011 Мева ва сабзавот маҳсулотлари - қалай таркибини аниқлаш
25.	O‘z DSt ISO 2848:2011 Мева ва сабзавот маҳсулотлари – этил спирти миқдорини аниқлаш
26.	O‘z DSt ISO 2168:2011 Узум сақлаш бўйича йўриқнома
27.	O‘z DSt ISO 9526:2011 Мевалар, сабзавотлар ва улардан олинган маҳсулотлар: оловли атом абсорбцион спектрометрия услубида темир таркибини аниқлаш
28.	O‘z DSt ISO 6662:2011 Олхўрилар – совуқ шароитда сақлаш бўйича йўриқнома
29.	O‘z DSt ISO 2173:2011 Мева ва сабзавот маҳсулотлари – эрувчан қаттиқ моддаларни аниқлаш - рефрактометрик услуб
30.	O‘z DSt ISO 762:2011 Мева ва сабзавот маҳсулотлари: минерал аралашмалар таркибини аниқлаш

Ушбу Битирув Малакавий Ишимиз сўнгида биз O‘zDSt 1192:2009 стандартига бир неча ўзгартиришлар киритиб, янги уйғунлаштирилган стандарт ишлаб чиқдик ва таклифлар киритдик. Унга кўра:

“Изоҳ” сўзигача бўлган матн қуйидагича янги таҳрирда баён этилсин:

Уруғли ва данакли экин кўчатлари ўтқазилиш сифати бўйича иккита товар навига бўлинади: Биринчи ва иккинчи нав.

Пайвандтаг данакли туридаги мевали кўчатлар бир ёшида, уруғлилари эса 1-2 ёшида чиқарилади.

Уруғли ва данакли экин кўчатлари 1-жадвалда ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

3.3 - банди

3-жадвал олиб ташлансин.

Илова А

Нав гувоҳномасида сўз бошида келтирилган “Боғдан” сўзи “Кўчатхонадан” сўзига алмаштирилсин.

Нав гувоҳномасида келтирилган жадвалдаги номланишда “жинси” сўзи “тури” сўзига алмаштирилсин^[3].

Инсон меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш – давлатимизнинг амалга ошираётган асосий ва муҳим ижтимоий вазифаларидан биридир.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллқачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган.

Инсоният қандай хавф қаршисида турганлигини, атроф муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол хис этиш қийин эмас.

Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар, минерал ўғитларни сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг қўпол равишда бузилиши ер ва ҳавони ифлосланишига олиб келмокда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси меҳнат Кодекслари асосида иш олиб борилади. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг қатор масалалари Конституцияда акс эттирилган. Меҳнаткашларни хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити билан таъминлашни давлат ўзини асосий вазифаси деб ҳисоблайди, бунинг учун зарур бўлган чора-тадбирларни қонун асосида амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини амалий фаолияти меҳнат шароитларини яхшилаш, касб касалликларини ва шикастланишни олдини олишдан иборат.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги бўйича ишлаб чиқиладиган талаблар амалдаги меъёрий ҳужжатлар талаблари ва технологик жараёнларига мувофиқ ишлаб чиқилиши лозим.

Ўзбекистонда ҳаёт фаолияти хавфсизлиги борасида бир қанча қонуниятлар қабул қилинган. Бу қонунлар фақат ишлаб чиқаришда меҳнат муҳофазаси техника хавфсизлиги қоидаларини назорат қилиб қолмай, балки меҳнат муҳофазаси қонунлари бузулмаслиги учун жавобгардир.

Барча ходимлар ўта хавфли ишларни бажаришдан олдин, меҳнат муҳофазаси бўйича йўл-йўриқ олиш ва ишларни хавфсиз бажариш усуллариини ўзлаштириб олганлар.

Санитар химоя зонаси СНИП-2.01.03-96 га асосан (1000) м Маълум бир тадбирлар, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига риоя қилмаслик, хом ашё

ва ундан олинадиган маҳсулотнинг ишчилар саломатлигига зарарли таъсир ўтказишига олиб келиши мумкин.

Фермер хўжалигидаги биноларни ёритиш асосан табиий ва сунъий равишда амалга оширилади. Кундуз куни асосан табиий ёруғликдан фойдаланилади. Табиий ёритилиш СНИП 2-01-05.98 га асосан қабул қилинган. Кечки сменаларда эса, сунъий ёритишдан фойдаланилади, ёритилиш учун люменисцент лампалардан фойдаланилади^[7].

Ёритиш ва электр тармоқларининг тузилиши хоналардаги муҳит шароитларига ва улардаги ишлаб чиқаришнинг хусусиятига мос бўлиши керак.

Носоз электр қурилма ва жиҳозларидан ҳамда шикастланган электр кабеллар ва симлардан фойдаланиш таъқиқланади.

Қисқа туташув тоқларидан ҳимоялаш учун ностандарт сақлагичлардан ва электр иситгичларидан фойдаланиш таъқиқланади.

Электр ускуналарининг носозлиги ёки уларнинг ишлатиш қоида талабларига амал қилмаслик ишчи-хизматчиларнинг шикастланишига олиб келади. Инсонларни электр токи таъсирида шикастланишидан ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқариш шароитларида хавфсиз ток усти қопланган симлар, ерга уланган ва нейтралловчи ҳимоя тизимлари билан фойдаланилган. Шунингдек, электр ускуналарни танлаш, ўрнатишда мавжуд бўлган қонун-қоидалар нормаларига амал қилинган.

Корхона биноларининг ёнғин хавфсизлиги уларнинг ўтга чидамлилиқ даражаси билан аниқланган. СНИП 2.09.12-98 га асосан қурилиш материаллари бўйича ёнмайдиган, қийин ёнадиган хиллари мавжуд.

Ёнғин ҳақида тез хабар бериш учун юқори хавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда даракчи воситалари СНИП-2.04.02-84, ГОСТ 12.2.2002.89 га асосан ўрнатилган.

Мамлакатимиз миллий давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген фавқулотда вазиятлардан муҳофаза қилиш, хавфсизликни таъминлаш, барқарор иқтисодий

ривожланишга эришишдан иборатдир. Президент И.А.Каримов шу масаланинг долзарблигини эътиборга олиб, ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсаҳасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарларида «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли офатлар ва фавқулодда вазиятлардан химоя қилишдир» деб таъкидлаб ўтадилар. Шундай экан фавқулодда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бўлиши мумкин бўлган хавфдан огохлантириш борасида самарали тадбирлар ўтказиш, фавқулодда вазият юз берганда тезкор ҳаракат қилиш, инсонларнинг қурбон бўлишига йўл қўймаслик, иқтисодий зарарни кам бўлишини, хавфсизликни ўз вақтида таъминлаш булар ҳаммаси асосий масалалардан биридир.

Фуқаро муҳофазасига оид ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикасида Фуқаро муҳофазасига оид қуйидаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ва Вазирлар маҳкамасининг қарорлари кучга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1996-йил 11-апрелдаги 143-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда Вазиятлар Вазирлигини” ташкил этиш тўғрисидаги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси “Аҳоли ва ҳудудларнинг табиий ҳамда техноген хусусиятли Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”. 1999-йил, 20-август.

Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш “Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруқ асосида амалга оширишлиши лозим.

Ходим тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий кўрик натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда ушбу ходим ишга қўйилиши мумкин эмас.


Ходим ҳолсизланиб, захарланганлигига гумон бўлганда ташкилотнинг тиббий муассасасига, у мавжуд бўлмаган тақдирда даволаш-профилактика муассасаларига мурожаат қилиниши лозим.

Корхонада фуқаро муҳофазасини ташкил этиш.

Фуқаро ҳимоясининг асосий вазифалари:

1. Аҳолини умумқирғин қуроллардан сақлаш.
2. Халқ хўжалиги корхоналарининг уруш шароитида ишлаш турғунлигини ошириш.
3. Қутқарув ва тикловчи ишларини олиб бориш.

**Фуқаро муҳофазасини
ташкил этиш**



Фермер хўжаликларида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулотда табиий ва техноген хавфли ходисаларга: зилзила, ёнғин, портлаш, кимёвий захарланишлар киради.

Авария қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларини режалаштириш ва амалга оширишдан мақсад, аҳолини турли фавқулотда вазиятлардан ҳимоялаш, шошилиш тиббий хизмат кўрсатиш, авария оқибатларини қисқартириш ҳамда вайроналардан инсонларни олиб чиқишга қаратилгандир.

Авария қутқарув ишлари қуйдаги вазифаларни амалга ошириш орқали олиб борилади:

1. ФВ рўй берган ҳудудларида разведка ишларини олиб бориш ҳамда ҳаракатланиш йўналишларини режалаштириш.

2. Бино қисмлари, вайрона уюмлари орасидан шунингдек ёнаётган бинолар ичидан инсонларни қидириш ва олиб чиқиш.

3. Жабрланган инсонларни, гуруҳларга ажратган ҳолда бирламчи тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда яқин амбулаторияларга етказиш.

Бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга қуйдагилар киради:

1. Инсонларни оммовий пиёда ёки транспортда ҳаракатланиш йўллари очиш ҳамда хавфли жисмлардан тозалаш.

2. Газ, электр, сув қувур тикимлари ва бошқа тизимларда юз берган аварияларни тўхтатиш, қутқарув ишларини ўтказиш.

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кимёвий ўғитлар қуёш нури тўғридан-тўғри тушмайдиган, ёпиқ, қуруқ жойда, хона ҳароратида сақланиши керак. Белгиланган талабларнинг ўзгариши атмосфера бузилишига олиб келади ва ишчилар соғлиғига жиддий таъсир кўрсатади

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунгача Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди. Бу корхоналар янги маҳсулот етиштиришдан тортиб маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришгача бўлган йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Ана шу корхоналарда ўта юқори ҳароратда ишлов бериш, асептик усулда консервалаш, музлатиш ва сунъий қуриштиш усуллари тўлиқ ўзлаштирилган. 2013 йилнинг ўзида бу корхоналар томонидан қиймати 800 миллион доллардан ортиқ бўлган маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, 200 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди.

Яқин йилларда мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион долларга яқин бўлган 265 та инвестиция лойиҳасини қўшимча равишда амалга ошириш кўзда тутилган. Бу соҳага киритилган сармоялар кўп харажатни талаб этмаслиги, шу билан бирга, 1,5-4 йил ичида ўзини қоплаши билан эътиборли.

Маҳсулот сифатини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги Сифатни бошқариш.

Сифатни бошқариш - корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида унинг сифатини зарурий даражада олиб чиқиш ва сақлашга қаратилган ҳаракатлари мажмуидир. Сифатни бошқариш корхонада мунтазам равишда амалга ошириш лозим. Бунинг учун корхонада сифатни бошқариш тизими фаолият кўрсатиш лозим. Кейинги йилларда 9001 серия ИСО стандартлари кенг тарқалиб, уларда корхонада маҳсулот сифатини назорат қилишнинг халқаро тажрибаси мужассамлашган. Корхонада сифатни бошқариш тизимини кўриб чиқайлик.

Юқоридаги стандартга кўра махсулот ҳаёт сикли (сифат халқаси) 11 босқичдан иборат. Ушбу сифат халқаси ёрдамида ишлаб чиқариш корхоналарнинг истемолчилар билан махсулот сифатини бошқариш вазифаларини хал этишни таъминловчи бошқа турлари билан алоқани таъминланади.

Корхонанинг сифат борасидаги сиёсати Сифат тизими Сифатни таъминлаш

3. Сифатни бошқариш
4. Сифатни яхшилаш
5. Лойихалаштириш
6. Моддий техник таъминот
7. Маркетинг
8. Утилизациялаш
9. Техник хизмат кўрсатиш
10. Ишлаб чиқариш махсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш
11. Тайёрлаш
12. Ўрнатиш ва ишлатиш
13. Ўраш ва сотиш

Сифатни бошқаришда сифат гуруҳларининг ўрни юқоридир.

Чет давлатлар тажрибаси кўрсатишича, сифат кружоклар капитални демократлаштириш шакли бўлиб, ишчиларни махсулот сифатини оширишга қизиқишини оширади, корхонадаги психологик муҳитнинг ўзгаришига олиб келади.

Сифат кружокларини ташкил этишда қуйидаги принципларга амалдаалмаштирилади:

1. Иштирокни.

2. Сифатни яхшилаш йўллари излашнинг коллектив шаклларига интилиши.

3. Ижодий фаолият натижаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш.

4. Фаолият шакллари ва мақсадларини тарғибот қилиш.

Махсулот сифатини оширишнинг ижтимоий иқтисодий самараси.

Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради.

Ижтимоий самара - хизмат кўрсатиш сифатини ва уни материал техник ахволини яхшилаш аҳоли талабини тўла қондириш билан белгиланади. Уларни пул маблағи сарфини камайтириб, инсонлар бўш вақтини оширади.

Аҳолини бўш вақтини ошириш қуйидаги йўллар билан аниқланади:

- корхона томонидан буюртмани вақтида бажариш. Буюртмани расмийлаштириш вақтида еса уни қабул қилиш ва топширишгача бўлган вақтни ўз ичига олади. Буюртмани бажариш муддати сунъий сифатлар қаторига киради. У меҳнатни ташкил қилиш ва ишлаб чиқариш ахволини белгилайди;

- хизмат кўрсатишнинг етакчи усуллари киритиш;

- хизмат кўрсатиш корхоналарини рационал жойлаштириш;

- рационал иш режимини жорий қилиш.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач барча соҳаларда, шу жумладан стандартлаштириш соҳасида ҳам тубдан ўзгартиришларни бошдан ўтказди. Унда собиқ иттифоқ стандартларидан воз кечилиб, янги миллий ва халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган стандартлар қабул қилинди. Бунда уйғунлаштирилган стандартлар аҳамияти катта. Чунки биз қанчалик яхши стандарт ишлаб чиқмайлик, агар бу бизга жаҳон бозорига чиқиш имконини бермаса, унда у стандарт бизга жаҳон миқёсидаги ўйинчилардан бирига айланишни бермайди.

Хар бир қабул қилинган стандарт мамлакат юксалишига хизмат қилиши керак. Халқаро стандартлар билан уйғунлаштирилган стандартлар эса бу йўлда бизга асос бўла олади. Чунки у ривожланган мамлакатларнинг илм-фани ютуғи, шу соҳадаги бой тажрибасини акс эттиради. Агар биз улардан самарали фойдалана олсак бу бизга ҳам иқтисодий даромадни, ҳам маҳсулотларимиз сифатини ошириш учун қўл келади.

Ҳозирда дунёда аҳоли сони катта суратлар билан ўсиб бораётган бир даврда, уларни озиқ-овқат билан таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Бизнинг Ватанимиз тупроғи серҳосил ва унумдор. Шунини ҳисобга олган ҳолда яқин келажакда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчи асосий мамлакатга айланиши мумкин. Лекин бу борадаги бизнинг энг катта муаммоларимиздан бири бу етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йўқотилишининг кўплигидир. Уларнинг аксарияти истеъмолчиларга етиб бормасдан ўз хусусиятларини йўқотиб қўяди. Ривожланган мамлакатларда эса бундай йўқотилишлар анчагина паст даражада.

Шунинг учун миллий стандартларни халқаро стандарт талаблари билан уйғунлаштириш бугунги куннинг даромад келтирувчи муҳим масалаларидан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар ва ресурслар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи.
2. O’z DSt ISO/IEC 21:2001 standarti.
3. O’zDSt 1192:2009Уруғли ва данакли экин кўчатлари. Умумий техникавий шартлар.
4. Бўриев Х., “Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлаш, метрология ва сертификациялаш асослари”, Меҳнат: Тошкент, 1999й., -146б.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги 483-I–сонли қонуни.
6. П.Р.Исматуллаев, Ш.А.Тўраев, О.Адилов, Б.Х.Исмоилов “Ўзбекистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлашда GlobalG.A.P стандартини жорий этишнинг аҳамияти” “STANDART” илмий-техника журнали 2011 й., 1-сон, 6-8 б.
7. ГОСТ 31036-2002 Руководство по хранению в холодильных камерах.
8. Абдувалиев А.А., Латипов В.Б., Умаров А.С. Алимов М.Н., Хакимов О.Ш.,Хван В.И. Стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, сифат. – Тошкент: СМСИТИ, 2008
9. www.standart.uz
10. www.smsiti.uz
11. www.agriculture.uz
12. www.agro.uz
13. www.iso.org
14. www.gost.ru